O‘ZBEKISTON
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
# BUNYODKORI
№45-46 (698-699) 2023 йил 6 июнь, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


# ҚАТАР АМИРИ САМАРҚАНДДА ТАНТАНАЛИ КУТИБ ОЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний 5 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Самарқанд халқаро аэропортида Қатар Амирини Ўзбекистон Президенти кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Давлат раҳбарлари шоҳсупага кўтарилдилар.

Қатар Амирига халқимизга хос юксак меҳмондўстлик кўрсатилди. Бой миллий маданият ва санъатимиз намуналари намойиш этилди. Куй-қўшиқлар ижро этилди.

Шундан сўнг Қатар Давлати Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида қадим ва бетакрор Самарқанд шаҳрининг улуғвор меъморий обидаларини кўздан кечирди.

Давлат раҳбарлари дастлаб Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейини бориб кўрди. Маълумки, Муҳаммад Тарағай Мирзо Улуғбек буюк олим ва ҳукмдор сифатида илм-фан ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. Ўрта асрлардаёқ ноёб расадхона кашф қилиб, осмон жисмларини жуда аниқ ўрганган. Унинг “Зижи жадиди Кўрагоний” асари бутун дунёда, хусусан, араб оламида фалакиёт бўйича илмий манба сифатида машҳур бўлган.

Танишув чоғида темурийлар даврида илм-фан, маданият ва бунёдкорлик юксак даражада ривожлангани, бу юртимиздаги Иккинчи Ренессансга асос бўлгани ёдга олинди. Бугун юртимизда ислом цивилизацияси, алломалар меросини ўрганиш бўйича марказлар ташкил этилгани таъкидланди.

Кейинги манзил “Афросиёб” музейи бўлди. Бу ердаги экспонат ва деворий суратлар Самарқанд шаҳрининг уч минг йиллик тарихидан ҳикоя қилади. Шундай суратлардан бирида Афросиёб ҳукмдорининг элчиларни қабул қилиш маросими акс этган. Бу аждодларимиз дипломатияга катта эътибор бергани, Шарқ ўлкалари билан азалдан ҳамкорлик яхши бўлганини кўрсатади.

Дунёга машҳур Регистон майдони – мамлакатимизнинг яна бир “ташриф қоғози”, аждодларимиз бунёдкорлик салоҳиятининг гўзал ифодаси. Мирзо Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасаларининг маҳобати, ўзига хос архитектураси ҳаммада ҳайрат ва ҳавас уйғотади.

Олий мартабали меҳмонга мадрасаларнинг қурилиш тарихи, нақш ва рамзларнинг мазмуни, майдонда амалга оширилган таъмирлаш ишлари ҳақида сўзлаб берилди. Қатар Амири мадрасаларни катта қизиқиш билан томоша қилди.

Сўнг давлат раҳбарлари Самарқанднинг Халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” мажмуасига ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон ва Қатар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, ушбу мамлакат раҳбари илк бор юртимизга давлат ташрифини амалга оширмоқда. Бу кейинги йилларда давлатларимиз ўртасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани натижасидир. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳрида Қатар давлатининг элчихонаси очилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 5 июнь куни қабул қилинган фармони билан Қатар фуқаролари учун визасиз тизим жорий этилди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 6 июнь кунига режалаштирилган.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади. Бунда, энг аввало, фаол сиёсий мулоқотлар ва маданий-гуманитар алмашинувни давом эттириш, энергетика, газ-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма, логистика, туризм ва бошқа тармоқларда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эътибор марказида бўлади.

Давлат раҳбарлари халқаро сиёсат ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қиладилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

# КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРНИНГ ички муҳандислик тармоқлари ўрганилди




**Маълумки, ўтган қиш мавсумида Тошкент шаҳрида ҳам коммунал соҳалардаги муаммолар яққол кўзга ташланиб қолди. Коммуникация тизимларининг эскиргани, эксплуатация ишларига етарли даражада эътибор берилмагани натижасида муаммолар янада бўй кўрсатди.**





Шу боис, давлатимиз раҳбари коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш масаласига бағишланган йиғилишлар ўтказди, масалани жойига чиққан ҳолда ҳам ўрганди. Шулардан келиб чиқиб, Тошкентнинг энг оғир ҳудудларидаги 1 825 та кўп қаватли уйнинг коммуникация тармоқларини янгилаш бўйича топшириқ берди. Шунингдек, молиявий манбалари ҳам аниқлаштирилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Батир Закиров ва бошқа мутасаддилар иштирокида ўтган йиғилишда пойтахтимиз туманларида куз-қиш мавсумига кўрилаётган тайёргарлик ишлари, энг оғир деб топилган 1 825 та кўп қаватли уйнинг ички муҳандислик тармоқларини таъмирлаш билан боғлиқ масала танқидий-таҳлилий муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, бугунги кунда 986 та (54 фоиз) кўп қаватли уйда таъмирлаш ишлари бошланган. Бироқ коммуникация тармоқларини тортиш жараёнларида камчиликларга йўл қўйилган.

Вазир айни омилларни инобатга олиб, таъмирлаш ишларини лойиҳа асосида қилиш ҳамда асосий эътиборни сонга эмас, балки сифатга қаратиш кераклигини таъкидлади. Бу бўйича қўшимча ресурслар, лойиҳа институтларини жалб қилишга кўрсатма берди.

Тошкент шаҳридаги оғир деб топилган 1 825 та кўп қаватли уйнинг коммуникация тармоқлари таъмирланадиган бўлса, 106 823 та хонадоннинг иссиқлик таъминоти яхшиланишига эришилади.

▶ 2-бет

# Кореялик мутахассислар Бухорода иссиқлик тизимини ўрганишмоқда

**Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Куни кеча Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг масъуллари билан учрашган Жанубий Корея Республикаси марказлаштирилган иссиқлик таъминоти корпорацияси – KDHS вакиллари Бухорога келишди. Хорижлик ишбилармонлар кўҳна Бухоронинг кўп хонадонли уйлари ва ижтимоий соҳа объектларида иситиш тизими лойиҳалари билан яқиндан танишмоқдалар.**



Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармасида бу борада вилоятда амалга оширилаётган ишлар, халқаро илғор тажрибани ўзлаштирган ҳолда кўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий тармоқ иншоотларини куз-қиш мавсумида иситишга доир олиб борилаётган инновацион ёндашув хусусида атрофлича маълумот берилди.

Чет эллик мутахассислар Бухоро “Иссиқлик манбаи” давлат унитар корхонасининг “РК-1” ва “РК-2” қозонхоналарида бўлиб, мавжуд технология ва иш юритиш тармоғини ўргандилар. Маълумот учун, бугунги даврда Жанубий Корея Республикаси дунё энергетика бозорида муҳим ўрин эгаллаган мамлакатлардан бирига айланган ва у Ўзбекистонда иссиқлик таъминоти корхоналарини модернизация қилиш ҳамда малакавий потенциалини ошириш учун грантлар жалб қилишда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бу борада корееликлар билан икки томонлама ўзаро манфаатли шартнома имзоланса, вилоятда ҳам иссиқлик энергияси истеъмолчиларига янада қулай шарт-шароит яратилиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жорий йил январь ойида кузатилган аномал совуқ юртимизда энергетика соҳасидаги нуқсон ва камчиликларни яққол намоён этди. Айниқса, шаҳар шароитида, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган аҳолига иссиқлик энергияси етказиб беришда кузатилган узилишлар, келиб чиққан ташвиш-муаммолар мавсум олди тайёргарлик ишларининг пухта кўрилмаганини ҳам кўрсатди. Бу ҳол албатта, тегишли ташкилот ва таъминот идоралари учун сабоқ бўлиши, келгусида бу каби хатоликларга йўл қўймаслик чораларини кўришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 апрелдаги қарорига мувофиқ Жаҳон банки иштирокида Андижон, Чирчиқ, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент (ТЦ-8) шаҳарларида марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимини реконструкция қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳадан кўзланган мақсад қозонхоналарда асосий воситаларни модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий тежамкор ва энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш, хом ашё ва молиявий ресурсларни самарали ва оқилона ишлатиш, иссиқлик таъминоти ташкилотининг самарадорлигини ошириш ва истеъмолчиларнинг иссиқлик таъминоти учун коммунал хизмат кўрсатиш сифатини оширишдир.

Мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида жумладан, “Бухороэнергомарказ” АЖ томонидан иссиқлик энергияси билан таъминланаётган 200 дан ортиқ кўп хонадонли турар жойлар ва 32 та ижтимоий соҳа иншоотида жами 264 та индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш ва ишга тушириш ишларига жорий йил дастлабки чорагидан жадал киришилган. Лойиҳанинг иккинчи босқичида эса 5,5 километр узунликдаги магистрал қувурни замонавий пенополеуретан қопламали қувурга алмаштириш кўзда тутилган бўлса, учинчи босқичда асосий қозонхонада модернизация ишларини амалга ошириш, мавжуд моддий-техник имкониятларни яхшилаш чора-тадбири кўрилмоқда.

Шунингдек, тармоққа узатилган ва истеъмол қилинган иссиқлик энергиясини ҳисобга олишнинг самарали тизими жорий этилмоқда. Кўп қаватли уйларда умумий иссиқлик энергияси ҳисоблагичлари ўрнатилиши ҳам аҳоли учун айни мақсадга мувофиқдир. Лойиҳани амалга ошириш натижасида йилига 13 070 минг метр куб табиий газ, 280 минг кВт соат электр энергияси, 1,310 минг метр куб ичимлик суви тежалади ва натижада ишлаб чикарилган маҳсулот таннархи 30 фоизгача камайиб, бу жараёнда иссиқлик тармоқларининг “умри” 30 йилгача узайтирилади. Шунингдек, замонавий технология туфайли атмосфера қатламига карбонат ангидрит ва шу бошқа заҳарли кимёвий моддасининг ташланиши йилига 2,8 минг тоннага қисқаради.

Умуман, шу каби кўп қаватли турар жойларни иситишда катта аҳамиятга эга инновацион лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари жорий йил биринчи чорагида бошланган бўлиб, октябрь ойида якунланиши кўзда тутилган. Эътиборли жиҳати, бу модернизация орқали Бухоро шаҳридаги 11 мингдан ошиқ хонадонда истиқомат қилаётган қарийб 30 минг нафар аҳолининг келгуси йиллар куз-қиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказишлари, иссиқлик энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёжини қондириш учун қулай имконият яратилади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45-46 (698-699) 2023 йил 6 июнь

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

◀ 1-бет

# БСК вакиллари ўзаро тажриба алмашди

**Қорақалпоғистон Республикасида фаолият олиб бораётган бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари Тошкентга келиб, соҳадаги янгиликлар бўйича тажриба орттирди. Хусусан, улар пойтахтдаги намунали бошқарув компанияларида бўлиб, ишни ташкил қилиш, аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш, фуқаролар билан ишлаш, муаммолар, авария ҳолатларини тезкор ҳал этиш бўйича ўз билим ва кўникмаларини оширишди.**



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятов ҳамда вазир ўринбосари Озода Жўраева қорақалпоғистонлик соҳа масъуллари билан учрашиб, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги режа-дастурлар ҳақида маълумот бердилар.

Маълумки, бугунги кунда Қорақалпоғистонда 31та БСК фаолият олиб боради. Тошкентдаги бошқарув компаниялари ишни тўғри ташкил қилиш, жамоани, шунингдек, диспетчерлик хизмати ҳамда моддий-техник базани шакллантириш жиҳатидан илғор саналади. Шу боис, Қорақалпоғистондан ҳокимият вакиллари ҳамда БСК раҳбарларининг бу ерга келиб тажриба орттириши аҳолига муносиб коммунал хизматлар кўрсатишда қўл келади. Улар нафақат БСКлар фаолияти билан танишишди, балки вазирлик раҳбарияти билан ҳам учрашиб, ўзларини ўйлантираётган масалалар, соҳани ривожлантириш бўйича таклифлари билан ҳам ўртоқлашишди.

# Ғолиблар тақдирланди

**Д. Дерипалко бошчилигидаги "Кнауф Узбекистан" компаниялар гуруҳи дунё миқёсида ўрта бўғиндаги офислар орасида биринчи ўринни эгаллади. Шу муносабат билан бугун Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси мутасаддилари томонидан ғолиблар муносиб тақдирланишди.**



Тадбирда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б. Закировнинг табриги ўқиб эшиттирилди. "Мамлакатимизда самарали фаолият юритиб келаётган корхонанинг дунё қурилиш бозорида муносиб ўрин эгаллаётгани мен ва барча юртдошларимиз қалбида фахр туйғусини уйғотади. Ҳеч кимга сир эмас, қурилиш соҳаси ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг драйвери ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам мазкур йўналишнинг ривожланиши, жаҳон стандартлари асосида такомиллашишида сизларнинг муносиб ўрнингиз бор. Бугунги кунда ёш мутахассисларнинг қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан фойдаланаётгани, соҳада янгиликка интилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар орасида "КНАУФ ГИПС БУХОРО" оиласини алоҳида эътироф этиш керак" дейилади вазир табригида.

Ўз ўрнида корхона вакиллари мамлакатимизда тадбиркорликка яратилаётган шароитлар, Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлиги хусусида тўхталиб, ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш бўйича таклифларини билдирдилар.

# Вазирлик ахбороти эшитилди

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг "Бинолар ва иншоотлар конструкцияларининг хавфсизлиги ва ишончлилиги, уларнинг сейсмик чидамлилигига қўйиладиган талабларга жавоб бериши, қурилаётган объектларнинг ушбу талабларга мувофиқлигини назорат қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ва мавжуд муаммолар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.**

Эшитувда қайд этилишича, ҳудудий назорат инспекциялари томонидан қурилиш иштирокчиларининг муаллифлик ва техник назоратни бузганлиги, объектларда бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлилигига таъсир қилувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар қўлланилган ҳолатлар бўйича лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш, бекор қилиш тўғрисида уч юздан ортиқ тақдимномалар киритилган.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан 2021 йил 1 июлдан бошлаб, янги қурилаётган барча турдаги бино ва иншоотлар, кўп квартирали уй-жойларнинг сейсмик мустаҳкамлик ҳолати тўғрисидаги маълумотлар жамланган электрон техник паспортлар шакллантирилган. Бугунги кунда унга етти мингга яқин янги қуриб битказилган объектлар киритилган.

Сейсмология институти билан ҳамкорликда сейсмик ҳудудлаштириш, объектлар учун сейсмик таъсирларни баҳолаш, муҳандис-сейсмологик тадқиқотларни ўз ичига олган асосий қоидалар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Тадбирда депутатлар мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини эътироф этиб, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш чораларини кўриш, лойиҳачи ташкилотларларнинг муаллифлик назорати ходимлари ваколатини ошириш ҳамда қурилишда назорат субъектларининг жавобгарлигини белгилаш масаласини қонунчиликда акс эттириш каби бир қатор таклиф ва тавсияларни билдиришди.

Қизғин муҳокамаларга бой бўлган эшитувда кун тартибидаги масала юзасидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ва тегишли қарор қабул қилинди.

# Навбатдаги назорат тадбирлари ўтказилди

**Сарвар БОБОНАЗАРОВ,** Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати раҳбари.

**Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан доимий равишда объектларда назорат тадбирлари ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, бу галги назорат тадбирлари Иштихон ва Пайариқ туманларида ташкил этилди.**

Назорат тадбирлари давомида Давлат дастури асосида Пайариқ туманидаги 34-сонли мактабда қўшимча 180 ўринли янги ўқув биноси қурилиши давомида қурилиш меъёрларидан четлашганлиги аниқланди. Жумладан, қурилиш майдони белгиланган тартибда ўралмаган, ўқувчилар қурилиш майдони ёнидан ўтиб-қайтади. Бинонинг шамоллатиш туйнуклари лойиҳада диаметри 150 мм лик берилган бўлса-да, жойида диаметри 50 ммли ўлчамда бажарилган. Айрим терилган ғиштларнинг горизонтал ва вертикал чоклари қоришма билан тўлиқ тўлдирилмаган.

Шунингдек, туманнинг Накурт маҳалласи ҳудудида "Исломшер строй монтаж" ХК томонидан Бошмоқ ОШП биносига қурилаётган қўшимча бино ҳам ўрганилди. Назорат тадбирлари давомида қурилиш материаллари ва буюмларининг мувофиқлик тўғрисидаги сертификат ва паспортлари мавжуд эмаслиги, сердечнеклар армокаркаслари белбоғлари ўлчамлари лойиҳа асосида бажарилмаганлиги аниқланди.

Туманнинг Каттасайдов маҳалласи ҳудудида "Шуҳрат қурувчи нур" ХК томонидан 46-сон МТТ қурилишида ҳам бир қатор қоидабузарликлар аниқланди. Хусусан, бинонинг пойдевори, ташқи изоляция қисмига базальтдан фойдаланиши кўрсатилган бўлса-да, жойида пенопластдан фойдаланилган. Колонналар армокаркаслари белбоғлари ўлчамлари лойиҳадан четлашиб бажарилмоқда. Қурилиш материаллари ва буюмларининг мувофиқлик тўғрисидаги сертификатлари мавжуд эмас. Ишлар турлари бўйича ёпиқ ишлар далолатномалари тузилмаган. Умуман олганда, юқоридаги объектларда техник ва муаллифлик назорати ўз вақтида юритилмаган. Қурилиш объектларининг паспорти мавжуд эмас, техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаяпти, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмаган.

Назорат тадбирлари Иштихон туманида ҳам ўтказилди. Иштихон туманида "Файз коммунал қурилиш" МЧЖ томонидан "Дамхўжа" минтақалараро сув қувури учун галерея типдаги сув олиш иншоотини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа таркибига 3 км узунликда галерея типида иншоот қуриш ва 15,5 км узунликда диаметри 1000 мм бўлган металл қувур ётқизиш ишлари олиб борилиши белгиланган. Айни вақтда объектда қувур ётқизиш ишлари бажарилмоқда.

Ўтказилган назорат тадбирлари давомида бу объектда ҳам бир қатор қоидабузарликлар аниқланди. Қурилиш объектида юритилиши лозим бўлган журналларга масъуллар киритилган ёзувларда номутаносибликлар борлиги, жумладан, муаллифлик назорати томонидан кўрсатилган камчилик объектнинг қайси нуқтасида эканлиги қайд этилмаган. Объектда ўрнатилаётган металл қувур отметкаси геодезик асбоб ёрдамида ўлчаб кўрилганда лойиҳада кўрсатилган нуқтага нисбатан 10 см паст эканлиги ҳамда қувур асоси белгиланган тартибда зичлатилмасдан ўрнатилаётгани аниқланди.

Юқорида аниқланган камчиликлар инспекция томонидан назоратга олиниб, қурилиш-пудрат ташкилотлари масъулларига камчиликларни бартараф этиш юзасидан "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали электрон ёзма кўрсатмалар берилди.

# Қурилиш тўхтатилишига сабаб нима?



**Ҳусанбой АЗИЗОВ,** Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси бош инспектори.

**Бугунги кунда вилоятимизда шаҳарсозлик ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, замонавий бинолар, кўп қаватли уйлар ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш жадаллик билан амалга оширилмоқда.**

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси томонидан қурилишни сифатли бажариш ва биноларнинг сейсмик ҳолати ҳамда зилзилабардошлиги каби масалалар доимий назоратда. Хусусан, қурилиш объектида камчиликларга йўл қўйган пудратчиларга тасдиқланган лойиҳа бўйича ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этган ҳолда қурилиш ишларини олиб бориш юзасидан огоҳлантириш ва кўрсатмалар берилмоқда.

Аммо шунга қарамай, пудратчилар орасида берилган ёзма кўрсатмаларда қайд этилган қоидабузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш чорасини кўрмасдан, ўз билганича иш юритиш ҳолати ҳам учраб турибди. Бундай ҳолатларда ҳудудий инспекция томонидан қурилиш объектларида шаҳарсозлик ҳужжатлари талабларини бажариш, қурилаётган бинолар ва иншоотларни мустаҳкамлиги, зилзилабардошлигини таъминлаш юзасидан қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш бўйича қонунда белгиланган тартибда судга даъво аризалари киритилмоқда.

Шунингдек, ҳудудий инспекция ходимлари томонидан Наманган шаҳри, Тўрақўрғон кўчасида қурилаётган 3 қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биносида мониторинг ўтказилиб, камчиликлар аниқланди. Жумладан, тасдиқланган лойиҳа бўйича бино қаватлари сони 3 қаватдан иборатлиги кўрсатилган. Аммо бош пудратчи фуқаро Х.И. томонидан ўзбошимчалик билан тасдиқланган лойиҳадан четланиб, бинонинг лойиҳавий "1-6/А-Б-В"-ўқлари йўналишлари бўйича қаватларда ташқи колонналардан лойиҳавий ечимсиз монолит темир-бетонли "консоль" қурилмалар бажарилган, объектнинг бирламчи белгиланган чегарасидан чиқиб кетилган.

Бундан ташқари, юқори томёпма қаватида лойиҳавий "1-6/А-Б-В"-ўқлар бўйича лойиҳадан четлашган ҳолда 4-қават қилиб, қўшимча равишда монолит темир-бетонли колонналар бажарилган. Замин ва пойдеворлар конструкцияларининг юк кўтариш қобилияти ҳисобга олинмаган ҳолда қўшимча равишда йиғма темир-бетонли ораёпма плиталар монтаж қилинган. Бу билан бинонинг замини ва пойдеворларига ортиқча юкламалар берилган. Монолит темир-бетонли конструкцияларга қуйилган бетонларнинг мустаҳкамлик параметрларини аниқлаш бўйича лаборатория синовларини ўтказганда айримларида лойиҳавий мустаҳкамлиги таъминланмаганлиги, қуйилган бетон маркаси лойиҳа талабидан паст чиққани аниқланган. Объектда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбиркорга инспекция томонидан бир неча бор огоҳлантириш хатлари берилган. Аммо пудратчи томонидан кўрсатилган қоидабузарликлар бартараф этилмасдан, қурилиш давом эттирилган.

Шундан сўнг, ҳудудий инспекция томонидан қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш ва лойиҳадан четланган ҳолда бажарилган қурилишни буздириш бўйича фуқаролик судига мурожаат қилинган. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро суди ушбу даъвони кўриб чиқиш давомида мутахассислар фикр-мулоҳазаларини тинглаб, қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиш ҳамда лойиҳадан четга чиққан ҳолда қилинган қурилишларни буздириш бўйича қарор қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, Қурилиш ва коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш ҳудудий инспекцияси ушбу ҳаракатидан мақсад тадбиркор фаолиятига тўсқинлик қилиш эмас, балки, ҳар бир қилинаётган қурилиш ишларини сифатли бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

# Техник кўрик – хавфсизлик учун муҳим

**Азиз МАШРАБОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Аҳоли хонадонларидаги газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз вақтида таъмирлаш-тиклаш, рухсатсиз уланишларни аниқлаш газ таъминоти ташкилоти ходимларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда қабул қилинган "Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 22-сонли қарори эса бу борадаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга хизмат қиляпти.**



Меъёрий ҳужжатларда техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактик хизмат кўрсатишнинг муддатлари белгиланган. Унга кўра, кўп қаватли турар жойлардаги газ плиталар ва бошқа газ приборлари мавжуд бўлмаганда – икки йилда бир марта, ҳовли уйлардаги газ плиталари, иситиш, сув иситиш приборлари – йилда бир марта, профилактик хизмат кўрсатиш ҳар бир иситиш мавсуми бошланишидан аввал техник кўрикдан ўтказилади. Натижада, табиий газнинг сизиб чиқиш ҳолатлари, ҳаво ва газ аралашмасининг белгиланган меъёрда ёниши таъминланади.

Термиз туманида айни кунда 33 дан ортиқ маҳалла мавжуд бўлиб, 86 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шундан, 12 та маҳалладаги 7 840 та хонадон табиий газ тармоғига уланган, 21 та маҳаллadaги 2 1060 та хонадон суюлтирилган газ таъминотидан фойдаланиб келмоқда. Хонадонлар тўлиқ газ таъминоти билан таъминланган бўлиб, уланган газ ускуналарида белгиланган муддатларда ёз мавсумида, ҳовли турар жойларда эса куз-қиш мавсумида кўрик ташкил этиляпти.

– Тумандаги кўп қаватли турар жойларда 320 та хонадон мавжуд бўлиб, бир йилда уч марта профилактик тадбирларни ташкил этамиз, – деди Термиз тумани газ таъминоти бўлими мутахассиси Баҳром Маматов. – Бундан ташқари, хонадон эгаларига газ жиҳозларидан тўғри ва хавфсиз фойдаланиш бўйича тавсиялар берилади. Аҳоли хонадонларига хизмат кўрсатиш учун 74, улгуржи истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун эса 1 нафар ходим бириктирилган.

Филиалнинг Термиз туман газ бўлими коммунал-маиший объектлар ва аҳоли газ жиҳозларини таъмирлаш ҳамда эксплуатацияси бўйича хизмати ходимлари ҳам ўзларига бириктирилган ҳудудларда хонадонма-хонадон юриб, мунтазам равишда аҳолига тарғибот ишларини олиб боради. Газ тармоқларининг техник ҳолати мунтазам равишда кўздан кечирилади.

Тумандаги "Намуна" МФЙда 282 та хонадон мавжуд бўлиб, улар табиий газ таъминотига уланган. Аҳоли хонадонларидаги газ ускуналари белгиланган муддатда ва график-режа асосида техник кўрикдан ўтказиб келиняпти. Бундан аҳоли ҳам мамнун.

– Бир кунда ўртача 7-8 та хонадондаги газ ускуналарини кўздан кечирамиз, – деди Термиз тумани газ бўлими чилангари Ёқубжон Шайдуллаев. – Шу билан бирга, истеъмолчиларга хонадонда ўрнатилган газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш, газ ускуналарини белгиланган муддатда техник тафтишдан ўтказиш ва профилактик хизмат кўрсатиш бўйича тушунтириш ишларини олиб борамиз.

Газ билан таъминланганлик аҳоли учун қулай шароит яратиш билан бирга, одамлардан масъулият ва тартиб-интизомни талаб қилади. Мутахассисларнинг тавсияларига амал қилган ҳолда газ жиҳозлари фойдаланиш, уларни доимий равишда техник кўрикдан ўтказиб туриш эса хавфсизлигимизнинг бош омилидир.

# Электр таъминоти жиҳозлари таъмирланмоқда





**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Сирдарё ҳудудий филиали барча туман ва шаҳар электр таъминоти корхоналари томонидан куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, белгиланган мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш борасидаги ишлар режага асосан, ўз муддатида бажарилиши бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда.**

Хусусан, Боёвут туман электр таъминоти томонидан “Тараққиёт” фидерида жойлашган қуввати 100 кВа бўлган 252 сонли трансформатор пункти мукаммал таъмирдан чиқарилди. Жорий йил бошидан буён Боёвут туманида 18 дона трансформатор пункти ва 53 километр электр узатиш тармоқлари мукаммал таъмирланди. Мавсум бошланишига қадар яна 20 дона трансформатор пункти ва 58 км дан ортиқ ҳаво тармоқлари таъмирланиши режалаштирилган.

Шунингдек, Янгиер шаҳрида куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш, трансформатор пунктлари электр узатиш тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари ҳам ўз муддатида бажарилмоқда. Хусусан, жорий йил бошидан буён Янгиер шаҳридаги 6 дона трансформатор пункти ва 10,2 километр электр узатиш тармоқлари мукаммал таъмирдан чиқарилди. Мавсум бошланишига қадар яна 7 дона трансформатор пункти ва 11 километрдан ортиқ ҳаво тармоқлари соз ҳолатга келтирилади.

Бундан ташқари, Гулистон туманида ҳам электр энергияси таъминотини янада яхшилаш ва Давлат дастурлари ижросини таъминлашга қаратилган амалий ишлар босқичма-босқич бажариляпти. Жумладан, Гулистон тумани Соҳил маҳалласида Туман электр таъминоти ходимлари томонидан 300 метр узунликда 10 кВ ли электр тармоқлари тортилиб, қуввати 160 кВа бўлган янги трансформатор пункти ўрнатилди. Шунингдек, ушбу маҳаллага 1 километр узунликда замонавий СИП ҳаво тармоқлари тортиш ишлари олиб борилди.

Ҳозирда вилоят ҳудудлари бўйича тармоқларни янгилаш ва модернизация қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

# Тиббиёт соҳаси ривожланишида қурувчиларнинг ҳиссаси катта

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сўнгги йилларда Қорақалпоғистон Республикасида тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, йирик ҳажмдаги инвестиция маблағлари ажратилиб соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга, аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатилишига катта эътибор қаратилмоқда.**



Президентимизнинг 2020 йил 11 ноябрдаги “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ҳудудда 3 йилда 33 та тиббиёт объектида қурилиш ишларини олиб бориш назарда тутилиб, 206 млрд 270 млн сўм маблағ ажратилди. Шундан 2021 йилда 11 та объектда 56 млрд 859 млн сўм, 2022 йилда 9 та объектда 71 млрд 600 млн сўм ва 2023 йилда 13 та объектда 77 млрд 811 млн сўмлик қурилиш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунда Нукус шаҳридаги Республика тез ёрдам кўрсатиш илмий маркази Қорақалпоғистон филиали биносининг қурилиш ишлари “Uy-joy qurilish” МЧЖ томонидан олиб борилиб, бинони тез фурсатларда сифатли битказишга катта эътибор қаратилган. Қурилиш объектига 54 млрд 258 млн 451 минг сўм маблағ ажратилган ва янги иморат 4 та блокдан иборат бўлиб, 5 бўлим, 130 ўринга мўлжалланган. Қурилиш ишларининг унумли ва тез суръатларда олиб борилишида уларга яратилган имкониятларнинг аҳамияти катта. Ойликлар ўз вақтида берилиб, иссиқ овқат, кийим-кечаклар билан таьминланмокда.

– Қурилиш ишлари 3 босқичда амалга оширилмоқда, — деди объект муҳандиси Бахтияр Қосекеев. — Асосий ишлар якунига етган. Муҳандислик-коммуникация тармоқлари, иситиш тизимлари, пардозлаш ишлари замонавий талаблар асосида қурилди. Хирургия бўлимида йирик таьмирлаш ишлари якунланиб, яқинда топшириш режалаштирилган.

Қувонарлиси, Нукус шаҳридаги “Она-бола” клиникасида ҳам бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Объект учун 28 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция маблағлари киритилган бўлиб, бугунги кунда 18 млн АҚШ долларилик иш бажарилган.

– Тиббиёт объектларини қуриш ва таъмирлашда овул ҳамда қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолининг ҳам тиббий хизматга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Тимур Сарибаев. – Жорий йилда аҳолига тез тиббий хизмат кўрсатиш бўйича 11 та объект қурилиши режалаштирилди. Улардан 7 таси фойдаланишга топширилиб, халққа тиббий хизмат кўрсата бошлади. 4 тасини 3-чорак якунига қадар фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Шунингдек, Нукус шаҳрида шу йил ҳисобидан Онкология илмий-тадқиқот марказини қуриш бўйича таклифлар киритилган.

# Чиқинди қайта ишланса, истеъмолбоп маҳсулот бўлади

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Президентимизнинг 2019 йил 17 апрелдаги “2019 – 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Давлат раҳбарининг бу ташаббуси бежизга эмас. Орол денгизининг дунё харитасидан йўқ бўлиб кетаётгани камлик қилгандай, ҳозирги кунда чиқиндилар билан боғлиқ муаммо ҳам юртимиз экологиясини мўътадил сақлаб туриш, фуқаролар саломатлигини барқарор таъминлаш, турли хилдаги хасталиклар кириб келмаслигининг олдини олишга ҳалал бермоқда.**



Қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш тизимининг инфратузилмасини яратиш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича Жиззах вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз томонидан ўтган йилнинг 2 февралида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди. Унда маиший чиқинди тўплаш қамровини 95 фоизга, қайта ишлаш ҳажмини 40 фоизга етказиш вазифаси қўйилгани ҳам бу фаолиятни янада кенгайтиришга дастуриламал бўлмоқда.

Айни пайтда бу ишларни рисоладагидек ташкил этган корхоналардан бири “Elita Lyuks Plast” МЧЖ жамоасидир. Тўрт йил аввал фаолиятини шакллантирган корхонада қаттиқ маиший чиқиндилардан саноат тармоқларига зарур бўлган полиэтилен қувурлари ишлаб чиқариляпти. Хомашё захирасини яратиш эса муаммо эмас. Асосан, аҳолидан турли хилдаги пластмасса чиқиндилари сотиб олиниб, қайта ишланмоқда. Ўтган йили корхона томонидан 380 тонна иккиламчи хомашё қайта ишланиб, 324 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди.

– Корхонамизда Хитойнинг автоматлаштирилган замонавий технологиялар ёрдамида турли ҳажмдаги полиэтилен қувурлари ишлаб чиқарилади, – деди “Elita Lyuks Plast” МЧЖ раҳбари Толиб Холмуродов. – Деярли барча амалиётлар автоматик режимда бажариляпти. Тайёр маҳсулотларимиз сифатли бўлгани учун кўплаб ташкилотлардан буюртмалар тушмоқда. Бу эса фаолиятимизни янада кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга йўл очмоқда. Шу боис, жорий йил охиригача қўшимча цехлар қуриш тадоригини кўряпмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Бугунги кунда қаттиқ маиший чиқиндилардан уй-рўзғор ва саноатбоп маҳсулотлар тайёрлаш тажрибаси ҳам кенг оммалашмоқда. Бу йўналишда иш бошлаган тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани натижасида вилоятда қайта ишловчи корхоналар сони 24 тага етди. Ташаббускорлар хориждан замонавий технологиялар келтириб, ўзига хос ишлаб чиқариш тармоқларини ишга туширяпти. Муҳими, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва арзонлиги билан истеъмолчилар эътиборини тортмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, кейинги йилларда вилоятда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар кўпайгани ҳисобига минглаб тонна ҳар хил чиқинди тайёр маҳсулотга айлантирилди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 18 минг тонна чиқинди сараланиб, қайта ишланган. Бу эса муҳим масалага вилоят тадбиркорлари эътиборсиз эмаслигидан далолатдир.

# Қорадарёда янги кўприк қуриляпти

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Оқдарё туманидаги “Истиқлол” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Сарка Ҳосилот, Қоратери, Ҳамробуви қишлоқлари аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида Қорадарё дарёси устида замонавий кўприк барпо этилмоқда.**

Бу ҳудуднинг бир тарафи Оқдарёга, иккинчи томони Пастдарғом туманига тегишли бўлиб, шу пайтгача борди-келдини йўлга қўйиш учун дарёни кечиб ўтишга тўғри келарди. Масалан, одамлар Сарка қишлоғидан Пастдарғомнинг “Ошиқ ота” зиёратгоҳигача айланма йўл орқали 90-100 километр йўл босишга мажбур бўлишган. Бир дарёнинг икки қирғоғидаги қишлоқлар бир-бирига шундоққина кўриниб турса-да, дарё сувининг шиддатли оқими қўшниларнинг яқин йўлдан юришига имкон бермас эди.

Президентимиз ташаббусига кўра, Оқдарёдаги қишлоқларда яшовчиларни шу пайтгача қийнаб келган муаммоларига ҳам эътибор қаратилди. “Бошкўприклойиҳа” МЧЖ томонидан Қорадарё устида кўприк қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. “Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК бош буюртмачи бўлди. “Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси” бунёдкорлари эса кўприк қурилишини бошлаб юборди.

– Лойиҳада мустаҳкам кўприк қуриш кўрсатилган ва шу асосда ишлаяпмиз, – деди иш юритувчи Илҳом Сафаров. – Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича 9 миллиард сўм ажратилган. Кўприкнинг узунлиги 145 метр, эни эса 5,56 метрдан иборат бўлади. 6 та техника воситасидан фойдаланиб, ишлар бошлаб юборилди ва қурилиш учун керакли бўлган темир-бетон буюмлари тўлиқ келтирилди. Ишчилардан Солижон Сафаров, Жўрабек Бозоров, Самандар Эшниёзов, Шаҳбоз Қўзиев, Фурқат Йўлдошев, Жавлон Хидировларнинг соҳада тўплаган тажрибалари бошқаларга ибрат бўлмоқда.

# Божхона пости янги бинода

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш, божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш, “қоғозсиз ва электрон божхона”нинг мантиқий давоми ва ривожланиши бўлган “рақамли божхона”ни шакллантириш бугун тизим олдидаги энг катта вазифалар ҳисобланади.**




Урганч туманида янги барпо этилган “Bog‘i Eram Xorazm” логистика марказида замонавий, жаҳон стандартларига мос келадиган маъмурий бино ва илғор ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган божхона постининг очилиш тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари, божхона фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Дастлаб, “Урганч” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости янги биноси ҳамда логистика марказида жойлашган божхона омборлари, ходимлар учун божхона назорати ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари ва ҳайдовчилар учун яратилган қулайликлар билан таништириш мақсадида пресс-тур ташкил қилинди.

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ва дўстона алоқалари кучайиши, республика ҳудудида тадбиркорлик, инвестицион, туристик ҳамда бошқа фаолият турларини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларнинг яратилиши савдо айланмасининг ўсиши, транспорт оқимининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Мазкур вазифаларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли амалга ошириш энг аввало, тадбиркорларга сифатли божхона хизматини кўрсатиш ҳамда муносиб шароит яратишни тақозо этади.

Айни пайтда ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари 24 соатлик иш режимида товарларни қисқа вақтда экспортга расмийлаштириб, “Божхоначи – тадбиркор таянчи” шиори остида тадбиркорлик субъектларига амалий кўмак бермоқда. Барча шароитларга эга янги бинода иш бошлаган “Урганч” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари ўтган йили 1 161,8 миллион долларлик, қарийб 781,9 минг тонна экспорт-импорт товарларининг божхона расмийлаштирувини амалга оширган.

Шунингдек, аввалги манзилда жойлашган постда кунига 20-30 тагача юк автотранспортини қабул қилиш имкони яратилган бўлса, янги манзилда кунига 80-100 тагача юк автомобилини қабул қилиш мумкин. “Урганч” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари юк автотранспортида ташиладиган товарларни божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказишади. Постда давлат божхона хизмати органлари томонидан тадбиркорларга божхонага доир барча хизматларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Божхона пости автомагистраль йўл ёқасида жойлашганлиги ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига ҳам бирмунча қулайлик яратади. 3 гектар майдондаги логистика маркази умумий ҳажми 5 698 метр кубни ташкил қилади. Божхона омборларида бир вақтнинг ўзида 2500 тоннага яқин товарни сақлаш имкони яратилган. Бундан ташқари, ушбу ҳудудда умумий ҳажми 11 100 $м^3$ бўлган божхона омборини ташкил қилиш режалаштирилган янги бино ҳам мавжуд. Божхона омборларида товарларни тартибли сақланиши учун махсус стеллажлар ҳамда хавфсизлиги учун онлайн камералар ўрнатилган.

Амалга оширилаётган ушбу қулайликларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарга алоҳида эътибор қаратган ҳолда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, бу ерда товарларнинг экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш мақсадида “Ягона дарча” тамойили асосида фаолият кўрсатиш назарда тутилган. Банк шохобчаси, сертификат идоралари ва божхона брокерлари фаолият олиб бориши учун хоналар ажратилган. Бу эса энг аввало, вақтни тежайди, қолаверса, ташқи иқтисодий савдо иштирокчиларига қўшимча қулайликлар яратади.

Таъкидлаш жоизки, эндиликда бу ерда вилоятнинг Урганч ва Хива шаҳри, Боғот, Гурлан, Қўшкўпир, Урганч, Хива, Шовот, Хонқа, Янгиариқ ва Янгибозор туманларидаги ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг экспорт ҳамда импорт тартибидаги товарлари божхона назоратидан ўтказилади.

Янги пост, янги таассуротлар! Умид қиламизки, янги логистика маркази ва божхона пости ҳудуддаги ташқи иқтисодий фаолиятга, айниқса, экспортнинг жадаллашувига хизмат қилади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45-46 (698-699) 2023 йил 6 июнь

БУХОРО ВИЛОЯТИ

# Муқобил энергия: Ғиждувондаги лойиҳага расман старт берилди

**Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш динамикаси барқарорлашди. Мазкур тенденция аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бошқа томондан эса, бу икки омил электр энергияси истеъмолининг муттасил равишда ортишига сабаб бўляпти.**



2030 йилгача мамлакатда электр энергиясига бўлган талаб йилига тахминан 6-7 фоизга ўсиши башорат қилинган. Тезкор чоралар кўрилмаса, келгусида энергия тақчиллиги муаммоси тараққиётимизга тушов бўлиши аниқ эди. Шунинг учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимиз хорижий ҳамкорлар билан биргаликда анъанавий ва муқобил энергия станцияларини қуришга катта эътибор қаратмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 23 февралдаги “Бухоро вилоятининг Пешку ҳамда Ғиждувон туманларида қуввати 300-500 МВт бўлган шамол электр станцияларини қуришга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Саудия Арабистони Қироллигининг “ACWA POWER” хорижий компанияси сармояси асосида амалга оширилаётган лойиҳалар айни шу жиҳатдан эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади.

Жорий йил май ойида вилоят марказидан қарийб 250 километр узоқликда жойлашган, Ғиждувон тумани ҳудудидаги объект майдонида шамол минораси пойдеворига биринчи бетон қуйишга старт бериш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ботир Зарипов, Ғиждувон тумани секторлари раҳбарлари, лойиҳа ташаббускорлари, қурилиш-пудрат ташкилотлари ишчи-ходимлари иштирок этди.

Таъкидланишича, мазкур ҳудудда “ACWA POWER” компанияси томонидан “ACWA Power Bash Wind” МЧЖ негизида қиймати 650 млн долларга тенг бўлган шамол электр станцияси қурилади. Қурилишда Хитойнинг “China Energy Intl Group Cas” компания пудратчи сифатида қатнашади.

Мазкур шамол электр станцияси 2025 йилда тўлиқ ишга туширилиб, Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик шамол энергияси лойиҳасига айланади.

Объектнинг фойдаланишга топширилиши натижасида умумий қуввати 500 МВт бўлган 79 та шамол трубиналари ўрнатиш орқали йилига 1,8 миллиард кВт/соатгача электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу Бухоро вилоятидаги аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари электр энергияси истеъмолининг 42 фоизини қоплайди деганидир.

Шу билан бирга, шамол электр станциясининг ишга туширилиши натижасида йилига 550 млн куб метр табиий газ тежалишига ва атмосферага 500 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинишига эришилади.

Ушбу лойиҳа тармоқнинг илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш, минглаб хонадонлар ва янги корхоналарини “яшил” энергия билан таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Шу билан бирга, лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида вилоятимизнинг электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари ривожлантирилади, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурслари барқарор ва сифатли таъминланади.

– Мазкур инвестиция лойиҳаси юртдошларимиз турмуш даражасини ошириш, улар учун янада қулай шароитлар яратиш, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг узвий давоми, Бухоро вилоятида янги саноат даврини яратиш йўлидаги йирик қадамлардан биридир, – деди тадбирда сўз олган вилоят раҳбари. — Ишончим комилки, мазкур ҳамкорларимиз билан бирга келгусида бу борада иқтисодиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшадиган, унинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлайдиган яна кўплаб йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширамиз.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Пешку туманида ҳам “ACWA Power Dzhankeldy Wind” МЧЖ томонидан худди шундай лойиҳа амалга оширилмоқда.

Умуман, Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Бухоро вилоятида энергетика саноатини ривожлантириш йўналишида 2,0 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан 1 та газ-поршенли электр станцияси, 2 та шамол ва 2 та фотоэлектр станциясини қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз ташаббуси билан энергетика соҳасида давом этаётган ислоҳотлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини узлуксиз электр қуввати билан таъминлаш, кучли давлатлар қаторидан ўрин олиш, саноатни ривожлантириш, электр қувватини ҳатто, қўшни давлатларга катта миқдорда эскпорт қилиш имкониятини яратади.

# “Ислом тамаддуни намоёндалари” хиёбони барпо этилмоқда

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев топшириғи асосида юртимиз довруғини дунёга танитган ўрта аср буюк алломалари мероси ва нуфузини янада кенг тарғиб этиш мақсадида Бухоро шаҳридаги Фатҳобод мавзесида “Ислом тамаддуни намоёндалари” хиёбонини бунёд этишга киришилган.**



Мазкур хиёбонда ислом дини намоёндалари Абу Хавс Кабир, Абу Бакр Калободий, Мустамлий Бухорий, Ҳазрат Поянда Муҳаммадшоҳ Ахсавий (Файзобод) каби етук алломаларнинг мемориаллари, масжид биноси, таҳоратхона, ҳунармандчилик маркази, меҳмонхона, кутубхона, анжуманлар зали каби бир нечта объектлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Дастлабки босқичда 2 000 нафар намозхонга мўлжалланган масжид биноси ва таҳоратхона қурилиши бошланган бўлиб, ушбу марказ келгуси йил баҳор ойларида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бунёдкорлик ишлари “Family Park” қурилиш компанияси томонидан амалга оширилаётган ушбу масжид архитектурасида Сайфиддин Бохарзий ҳамда Баёнқулихон мақбараларидан андаза олинган бўлиб, мажмуа икки тарихий иншоот билан уйғун равишда барпо этилмоқда.

# “Ташаббусли бюджет” қулончилик болажонларни қувонтиради

**Қоракўл туманида фойдаланишга топширилган мактабгача таълим ташкилотинининг замонавий қиёфаси кўзни қувонтиради. Гуруҳлар миллий қадриятларимизни акс эттирувчи ўқув-методик жиҳозлар билан таъминланган мазкур муассасада замон талаблари даражасида барпо этилган тиббиёт хонаси, ошхона, универсал зал, ётоқхоналар ҳамда ёзги айвончалар болажонлар учун хизмат қилмоқда.**

Қулончилик болажонлар қувончига қувонч қўшган ушбу мактабгача таълим ташкилоти ўтган йилги “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида ажратилган 950 млн сўм маблағ ҳисобига мукаммал таъмирланди.

– 90 ўринга мўлжалланган эски боғча мукаммал таъмирдан сўнг 120 ўринли амонавий муассасага айланиб, гуруҳлар сони ҳам 3 тадан 4 тага етказилди, – деди туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Раббонақул Мухторов. – Шундай қилиб туманда фаолият олиб бораётган давлат мактабгача таълим ташкилотлари сони 42 тага етди. Хусусий мактабгача таълим муассасалари сони билан қўшиб айтганда жами 132 тага етади. Бугунги кунда яна 4 та мактабгача таълим муассасасида қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

# “Bukhara Gold Granit” МЧЖ иш бошлади

**Когон туманининг “Туткунда” МФЙ ҳудудида “Bukhara Gold Granit” МЧЖ томонидан гранит плиталарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳаси ишга туширилди.**




Тайёрланаётган гранитларнинг хомашёси Пешку туманининг Жонгелди массивидаги конлардан олиб келиняпти. Лойиҳанинг умумий қиймати 3 млн АҚШ доллари бўлиб, унинг 1,5 млн АҚШ доллари ташаббускорнинг ўз маблағи, 1,5 млн АҚШ доллари миқдоридаги сармоя эса “Ўзсаноатқурилишбанк” акциядорлик тижорат банки Бухоро минтақавий филиали молиявий қувватловидир. Корхонада 60 та иш ўрни яратилди.

– Гранитларга ишлов бераётган махсус техникалар замонавий бўлиб, улар Туркиядан олиб келинган, – деди корхона таъсисчиси Нодир Қиличев. – Ишчи-ходимлар туркиялик мутахассислардан касб сирларини ўрганишмоқда. Ишлаб чиқараётган гранит маҳсулотларимизнинг умумий ҳажми 120 минг квадрат метрга етади. Шунингдек, 26 млрд сўмлик акрил ип-калава маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Замонавий хориж дастгоҳлари ёрдамида ишлаб чиқарилаётган тайёр материаллар, аввало, вилоятимизда барпо этилаётган қурилиш иншоотларига етказиб берилади. Маҳаллий эҳтиёждан ортиқ қисми хорижга экспорт қилинади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

# Сузиш ҳавзаси ёшлар ихтиёрига топширилди

**Фозилжон ҚОСИМОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Жиззахда янги ёпиқ сузиш ҳавзасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Жиззах вилояти ҳокимлиги, спорт фахрийлари, жамоатчилик вакиллари, Жиззах Олимпия ва паралимпия спорт турлари тайёрлаш маркази мураббий ва тарбияланувчилари иштирок этишди.**

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ёрқин самарасини бераётгани, спортга қаратилаётган эътибор, ёшлар учун яратилаётган шароитлар хусусида тўхталди.

Узунлиги 25 метр бўлган мазкур объект “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ томонидан 8 миллиард сўм ҳомийлик маблағлари ҳисобидан барпо этилди. Ҳавзада бир вақтнинг ўзида 80 нафар ёшлар сув спорти билан шуғулланиш имкониятига эга. Шунингдек, кийиниш ва ювиниш хоналарида ҳам ёш спортчилар учун барча шароитлар мавжуд.

– Жиззах Олимпия ва паралимпия спорт турлари тайёрлаш марказида ўқийман, – деди Фотима Мусурмонқулова. – Сузиш бўйича Тошкент, Хоразм ва бошқа вилоятларда ўтган мусобақаларда қатнашиб, уларда фахрли ўринларни қўлга киритганман. Биз учун мана шундай ажойиб ҳавза қуриб берилганидан хурсандмиз.

Дарвоқе, бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлгани сингари, Жиззахда ҳам олимпия спорт турларини оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида спортсевар ёшлар учун замонавий объектлар қурилмоқда. Бу, ўз навбатида, мусобақаларда қўлга киритилаётган натижалар салмоғини ошиpяпти. Шу ўринда вилоят ёшлари ўртасида сув спорт турлари янада оммалашиб бораётганлигини эътироф этиш жоиз. Ҳозирги кунда Зомин, Пахтакор, Зарбдор, Дўстлик туманларидаги спорт мактаблари ва Жиззах шаҳри “Сўғдиёна” спорт мажмуасида жами 5 та ёпиқ ва Жиззах Олимпия ва паралимпия спорт турлари тайёрлаш марказида 1 та очиқ сув ҳавзаси фаолият юритмоқда. Уларда сузиш бўйича 316 нафар, сувга сакраш йўналишида 22 нафар, сув полоси йўналишида 35 нафар, синхрон сузиш йўналишида 38 нафар ва парасузиш йўналишида 16 нафар ўғил-қиз шуғулланмоқда.

Очилиш маросимида иштирок этганлар замонавий сузиш ҳавзаси ҳудудда олимпиа ва паралимпиа сув спорти бўйича кучли атлетларни етиштиришга хизмат қилиши ва бу даргоҳдан келгусида олимпиада, Жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпионлари етишиб чиқишига ишонч билдиришди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Ичимлик суви таъминоти янада яхшиланади

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қарши шаҳрининг баъзи маҳаллаларида ичимлик суви таъминотини тиклаш мақсадида 3-баландлик сув тўплаш ва узатиш иншооти (насос станцияси)да кенг қамровли таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.**

Қайта таъмирлаш лойиҳаси бўйича 3-насос станциясидаги мавжуд 3 та сув сақлаш резервуари қайта реконструкция қилиниб, яна 1 та сув сақлаш резервуари қурилди. Эндиликда бу орқали йил сайин кўпайиб бораётган янги истеъмолчилар талабини қондириш ва пировардида, вилоят марказини узлуксиз ичимлик суви билан таъминлашга эришилади.

– Айни пайтда олиб борилаётган монтаж ишлари лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, тез орада Қарши шаҳрида ичимлик суви таъминотини тиклаш учун қурувчилар сув таъминоти корхонаси билан биргаликда бор имкониятларини ишга солишмоқда, – деди “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ матбуот котиби Ихтиёр Умаров.

# Ички ишлар ходимлари учун даволаш профилактика муассасаси

**Қашқадарёнинг сўлим Китоб туманида вилоят ИИБ Тиббиёт бўлимига қарашли даволаш профилактика муассасаси “Мингчинор” госпиталининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икрамов, вилоят ҳокими Муротжон Азимов, ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Шуҳратжон Сатволдиев ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ходимларга яратилаётган шароитлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди. Тадбир сўнгида иштирокчилар госпиталда ички ишлар органлари ходимлари, фахрийлар ва уларнинг оила аъзолари учун тиббий хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш мақсадида яратилган имкониятлар билан танишдилар.

# Косонда “Янги Ўзбекистон” массиви

**Косон туманида “Янги Ўзбекистон” массиви қурилмоқда. Шу муносабат билан вилоят ҳокими Муротжон Азимов, секторлар раҳбарлари, нуронийлар, кенг жамоатчилик ва ОАВ вакиллари иштирокида “Янги Ўзбекистон” массивининг лойиҳаси асосида барпо этилаётган кўп қаватли уй-жойлар, хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг қурилиш ишлари билан танишилди.**



Лойиҳага кўра, массивда 100 та кўп қаватли турар жой биноси, 2 та мактаб, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, поликлиника, маҳалла биноси ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти барпо этилиши режалаштирилган. Ўрганиш давомида вилоят раҳбари масъулларга массивда олиб борилаётган қурилиш ишларини белгиланган муддатда ва сифатли якунлаш, коммуникация ва коммунал тармоқларга, биноларнинг том қисмига қуёш панелларини ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек, вилоят ҳокими ҳудудда бунёд этилаётган поликлиника, мактаб ва боғчани ҳам кўздан кечириб, сифат даражасида иш олиб бораётган масъуллар ҳамда қурувчиларга миннатдорлик билдирди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

# Учкўприк туманида 14 та кўп қаватли уй барпо этилмоқда

**Орифжон ИСМОИЛОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Учкўприк тумани "Боғибўстон" МФЙдаги Муллазоир мавзесида намунавий хонадонлар ва замонавий кўп қаватли уйлардан иборат кичик шаҳарча қад ростламоқда. Ҳозирда мазкур мавзеда 688 хонадондан иборат 14 та замонавий кўп қаватли уй барпо этиляпти. Шинам ва барча қулайликларга эга бўлган бу хонадонлар уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар, ногиронлиги бўлган кишилар, ёш оилалар ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга ҳам субсидия асосида берилмоқда.**



Янги уй-жойлар мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигига муносиб туҳфа сифатида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, Учкўприк туманида кўп қаватли уйлар қурилиши йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Сўнгги йиллар давомида "Боғибўстон" МФЙдаги Муллазоир мавзесида жами 38 та кўп қаватли ва 152 та намунали арзон уй-жойлар қуриб битказилди. Жумладан, 2019 йилда 48 хонадонли 2 та кўп қаватли уй ўз эгаларига топширилган бўлса, 2020 йилда 520 хонадонга мўлжалланган 15 та замонавий кўп қаватли уй қад ростлади. Ўтган йилда эса 247 хонадондан иборат 10 та 5 қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ҳудудда давлат хусусий шериклик асосида замонавий болалар боғчаси ва бошланғич таълим мактаби ҳам фойдаланишга топширилган. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида "Тожик" кичик саноат зонаси ташкил этилди.

## Президент қарори амалда

**Фурқат туманидаги "Шўр" МФЙда ҳам Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 408-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар бажарилмоқда. Айни пайтда маҳалланинг Хизр ота ва Навбаҳор кўчаларининг 3 500 метрга яқин қисми асфальт қилиняпти.**



Шунингдек, "Томоша" МФЙга қарашли Қурултой қишлоғидан ўтган умумфойдаланишдаги автомобиль йўлининг 3 километр қисмини таъмирлаш ҳамда Гузар кўчасининг 2,5 километр, Боғу бўстон кўчасининг 1,2 километр, Мустақиллик ва Дўстлик кўчаларининг 1,2 километр қисмини асфальтлаш ишлари учун 4 млрд сўмга яқин маблағ ажратилди. Учта қишлоқни боғлаб турувчи ушбу кўчаларнинг асфальтланиши аҳолига қулайлик яратмоқда.

Ҳозирда ушбу кўчаларда шағаллаштириш ишлари якунланиб, текислаш, асфальт ётқизишга тайёрлаш ишлари кетмоқда. Бугунга қадар "Томоша" МФЙда "Менинг йўлим" лойиҳаси доирасида Мевазор кўчасининг 2,7 километр, Шифокор ва Дўстлик кўчаларининг 1 км ички йўллари асфальтланган. Шу билан бирга, "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида 1 дона трансформатор ўрнатилди. 5 та кўчага ичимлик суви тармоғи тортилиб, сув миноралари таъмирдан чиқарилди. Бунинг натижасида 353 та хонадонда яшовчи 600 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

## Спорт мактаби янгиланмоқда



**"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва жойлардаги муаммоларни қисқа муддатда ҳал этишнинг манзилли ечими сифатида хизмат қилмоқда. Лойиҳанинг жорий йилги 1-мавсуми доирасида кўп овоз тўплаган Ўзбекистон туманидаги спорт мактабининг Яккатут маҳалласидаги 1-базаси инфратузилмасини яхшилаш ташаббусига бюджетдан маблағ ажратилди.**

Айтиш керакки, ушбу ташаббус икки мингдан зиёд овоз тўплаб, уни амалга ошириш учун 600 миллион сўм маблағ йўналтирилиши белгиланди. Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев спорт мактабида бўлиб, ташаббус ижроси доирасида амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларининг режаси билан танишди. Болалар спорт мактабида жами 2100 нафардан зиёд 7-18 ёшли ўғил-қизлар спортнинг 17 та тури бўйича мунтазам шуғулланиб келмоқда. Улар билан 67 нафар мураббий машғулот олиб боришади. Яккатутдаги 2006 йилда қуриб битказилган филиалда эса спортнинг бокс, акробатика, қўл жанги, футбол ва бадиий гимнастика каби турлари бўйича 300 нафардан ортиқ ёшлар сабоқ олишмоқда.

Лойиҳа доирасида спорт иншоотининг ички ва ташқи фасади тўлиқ янгича тус олиб, эски эшик ва ромлар янгисига алмаштирилади. Бинонинг таъмирталаб том қисми ва ёритиш тизимлари янгиланиб, машғулот, кийиниш, ювиниш ҳамда санитария хоналари таъмирланади ва янада қулай шароитлар яратилади. Шунингдек, муассаса ҳовлисида ҳам ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши белгиланган.

## Ўқув биноси ва спорт зали қурилмоқда

**Ўзбекистон туманидаги "Катта Қайнар" МФЙда жойлашган 40-умумтаълим мактаби учун 330 ўринли янги ўқув биноси ҳамда 12х24 ҳажмдаги спорт зали қурилмоқда. Шунингдек, жорий йилда инвестиция дастури асосида ушбу таълим муассасасининг айни пайтда фойдаланилаётган биносида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилади.**

1975 йилда қурилган ва 270 ўринга мўлжалланган мазкур таълим масканида ҳозирда 594 нафар ўқувчи икки сменада таҳсил олади. Уларга 42 нафар устоз-педагог сабоқ бериб келмоқда. Шу сабабдан ҳам, тегишли тартибда 3 қаватли қўшимча бино, спорт зали қуриш ҳамда мавжуд ўқув биносини мукаммал таъмирлаш учун инвестиция лойиҳаси тайёрланди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 7 миллиард 769 миллион сўм маблағ ажратилди.

Айни кунларда "Baraka Fayz Invest" МЧЖ қурилиш ташкилоти томонидан мактабда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Туман раҳбари пудратчи ташкилот вакиллари ва масъуллар билан суҳбатлашиб, бунёдкорлик ишларини сифатли бажарилиши юзасидан зарур кўрсатмалар берди.

## Сайёр қабулдаги мурожаатлар ҳал этилди



**Ўтган ҳафтада Ўзбекистон тумани ҳокими иштирокида Қайқуобод маҳалласида ўтказилган сайёр қабулда фуқаролар томонидан кўплаб масалалар билан биргаликда ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш бўйича мурожаатлар ҳам билдирилган эди.**

Хусусан, аҳоли вакилларининг ана шундай мурожаатлари асосида туман ҳокимлиги ташаббуси билан Қайқуобод маҳалласининг ички кўчаларини тунда ҳам нурафшонлигини таъминлаш мақсадида 17 дона замонавий кўча чироқлари етказиб берилди. Бозор Яйпан маҳалласининг Гулшан кўчасида эса электр таъминотини яхшилаш мақсадида 10 дона янги темир-бетон таянчлари ўрнатилди.

Шунингдек, айни сайёр қабулда кўтарилган кадастр, моддий ёрдам, маҳаллани чиқиндидан холи ҳудудга айлантириш, ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва банк кредити ажратиш каби қатор мурожаатлар ҳам ўз ижобий ечимини топди.

## 46-умумтаълим мактаби учун 330 ўринли ўқув биноси

**Учкўприк тумани "Тожик" МФЙда 46-умумтаълим мактаби учун 330 ўринли янги ўқув биноси қурилмоқда. Шунингдек, жорий йилда инвестиция дастури асосида ушбу таълим масканининг мавжуд 380 ўринли биносида мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.**

Ушбу таълим муассасаси 1982 йилда қурилган бўлиб, 380 ўринга мўлжалланган бинода ҳозирги кунда 825 нафар ўқувчи куннинг икки қисмида таҳсил олади. Шу сабабдан, тегишли тартибда мавжуд ўқув биноси ҳамда спорт залини мукаммал таъмирлаш ва қўшимча бино қуриш учун инвестиция лойиҳаси тайёрланди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 6 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозирда "Мирзо саодат" қурилиш ташкилоти томонидан мактабда қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

# Барча ҳудудлар ичимлик суви билан таъминланмоқда

**Ҳилола ИСМАТОВА,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**2022 йилда Навоий вилоятининг 45 мингдан ортиқ аҳолиси марказлашган ичимлик суви билан таъминланди. Шунингдек, "Обод қишлоқ" дастури доирасида 40 дан зиёд сув иншоотида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.**

Вилоят марказидан қарийб 300 километр узоқликда жойлашган Томди туманининг "Томдибулоқ" ОФЙдаги Эски Томди ва Роҳат овуллари, Ғозғон шаҳрининг Гулистон ва Шайхон, Қизилтепа туманининг Хафқориён, Навбаҳор туманининг Дул-дул ҳамда Хатирчи туманининг бир қатор маҳаллалари илк бор марказлашган ичимлик сувидан баҳраманд бўлишди.

Президентимизнинг 2022 йил 24 майдаги "Аҳолининг ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-257-сонли қарорига кўра, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан туманлардаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаганлик даражасини ошириш мақсадида 58,5 километр қувур тортиш учун 2,85 млрд сўм маблағ ажратилди. Материаллар "Навоий сув таъминоти" МЧЖ туман бўлимларига тўлиқ етказиб берилди ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Чунончи, Конимех туманининг "Юксалиш", "Наврўз" МФЙларидаги сув иншоотлари қайта реконструкция қилиниб, ҳар бир хонадонга сув ҳисоблагичлар ўрнатилди. Умумий ҳисобда, туманга 22 километр сув қувури тортиб келиниши натижасида 300 дан ортиқ хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Шунингдек, Навбаҳор туманида 60 километрдан ортиқ масофага ичимлик суви қувурлари тортилиб, 1 та сув иншооти қуриб берилди. Дул-дул сув иншоотига эса 2 та қўшимча ҳовуз қурилиб, насос қурилмалари билан таъминланди. Ушбу иншоот орқали 4 та маҳалла илк бор ичимлик суви билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 30 декабрдаги "2023-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-465-сонли қарорига асосан, вилоятда Давлат ижтимоий буюртмалари доирасида 2 та МФЙдаги 6 та аҳоли пунктини 2023 йилда ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 5,4 млрд сўм маблағ эвазига 1 та сув иншооти ҳамда 29,6 километр сув тармоқларини қуриш ишларини амалга ошириш белгиланган. Булар, Хатирчи туманининг "Бунёдкор" МФЙдаги Оқгумбаз, Кенжаюз, Арабтепа қишлоқларидир. Шунингдек, туманнинг "Жалойир" МФЙдаги Жалойир 1, Жалойир 2, Жалойир 3 қишлоқларини ҳам ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1 та сув иншооти ҳамда 15,0 километр сув тармоқларини қуриш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган аҳоли пунктларига эса ичимлик суви етказиш мақсадида жорий йилнинг ўзида республика бюджети ҳисобидан 6 та махсус сув ташиш техникаси харид қилиниб, вилоятга келтирилди. Бунинг натижасида "Навоий сув таъминоти" МЧЖга қарашли махсус сув ташиш техникалари сони 12 тага етиб, улар орқали олис ва оғир ҳудудларга аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб мунтазам ичимлик суви етказиб берилмоқда.

## Қишда газдан муаммо бўлмайди

**Ҳар йили қиш бошланиши аввалида,"Бу йилги қишда газ муаммоси бўлмасмикин?" деган савол аҳолини қизиқтириши одатга айланган. Ушбу масала бўйича "Аҳолини табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш, газ хўжалигини 2023-2024 кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари" мавзусида "Ҳудудгаз Навоий" газ таъминоти филиалида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбирда филиал раҳбарияти томонидан аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш борасида жорий йил давомидаги кўрсаткичлар айтиб ўтилди. Жумладан, бугунги кунда вилоят бўйича 102 548 та аҳоли хонадонлари ва 67 та ижтимоий соҳа объектлари суюлтирилган газ билан таъминланган. Шунга кўра, суюлтирилган газдан фойдаланувчи аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига белгиланган режа-графиклар асосида бир маромда ва узлуксиз суюлтирилган газ маҳсулотлари 30-35 кун оралиғида етказиб берилмоқда.

Вилоят истеъмолчиларига суюлтирилган газни етказиб беришда филиал тасарруфидаги 31 та автотранспорт воситалари жалб қилинган. Бугунги кунда вилоят бўйича 100 021 дона маиший газ баллонлар сони мавжуд бўлиб, шундан 95 512 донаси ижара шартномаси асосида истеъмолчиларга етказиб берилди.

"Ҳудудгаз Навоий" газ таъминоти филиали ходими Улуғбек Нуримовнинг айтишича, суюлтирилган газ бўйича ҳозирда 1 606 дона газ баллонлар захираси шаҳар ва тумангаз таъминоти бўлимларида 2 739 дона газ баллонлари айланма газ баллон сифатида махсус автомашиналарга, 164 дона газ баллонлари эса МТТлар учун ажратилган. Маиший газ баллонларининг умумий сони вилоят истеъмолчилари эҳтиёжи учун етарли миқдорни ташкил қилади. Аҳоли хонадонларига етказиб бериладиган суюлтирилган газни маиший газ баллонларига тўлдириб бериш филиал тасарруфидаги 4 дона ГТШ (газ тўлдириш шохобчаси) ва 1 дона ГТС (газ тўлдириш станцияси) орқали амалга оширилади.

Мазкур ГТШ ва ГТСларнинг кунлик қабул қилиш қуввати 450 тоннани, кунлик тарқатиш қуввати эса 83 тоннани ташкил этади. Жорий йилнинг шу даврига қадар вилоят бўйича 5675 тоннадан ортиқроқ суюлтирилган газ истеъмолчиларга етказиб берилди. Газ баллонларини сифатли ва соз ҳолатда эканлиги ҳам зарурий шартлардан бири ҳисобланиб, шунга кўра,улар филиал тасарруфидаги 3 та синаш ва таъмирлаш цехлари томонидан техник назоратдан ўтказилмоқда.

Тадбир жараёнида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг боришида олис туманларга етказилиб берилиши лозим бўлган газ истеъмоли, газ қувурлари ва газ тақсимлаш пунктларини мукаммал таъмирлаш, уларни реконструкция қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг ўз вақтида бажарилиши белгилаб олингани ҳам алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари куз-қиш мавсумида Қизилтепа, Навбаҳор ва Хатирчи туманларидан 2 донадан 6 дона газ тақсимлаш пунктларини мукаммал таъмирлаш режалаштирилгани, Навбаҳор туманида 1 дона газ тақсимлаш пункти мукаммал таъмирлангани айтиб ўтилди. Вилоят бўйича эса 72,6 километр газ қувурларини босим остида зичликка синаш ва ҳаво ёрдамида тозалаш тадбирлари амалга оширилгани, 1619 дона газ тақсимлаш пунктларида тафтиш ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан 529 тасида ишлар якунига етказилгани таъкидланди. Шунингдек, мавсумга тайёргарлик ишлари давомида 39,3 километр ер ости газ қувурлари прибор усули билан текширилиб, 33,4 километр газ қувурларида эстетик таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Эътиборлиси, амалга оширилиши режалаштирилаётган бу каби тадбирлар истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз газ билан таъминланишига ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир.

## Мавсумга тайёргарлик бошланди

**"Қиш ғамини ёзда е", деган мақол бежиз эмас. Зеро, мавсумга эрта тайёргарлик кўрилмаса, совуқ кунларда панд бериши мумкин.**

Навоий вилояти "Иссиқлик манбаи" ДУК томонидан 2023-2024 йилларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари учун корхона маблағлари ҳисобидан 5,5 километр иссиқлик тармоқлари жорий таъмирланиши режада белгиланган бўлиб, амалда 3,14 километр тармоқ таъмирланиб, белгиланган режа уддаланди. Шунингдек, 4,0 километр ичимлик сув тармоқлари ҳам 90,4 фоизга бажарилди.

Булардан ташқари, 14 дона қозон ва 2,83 километр иссиқлик тармоқлари иссиқлик изоляцияси ҳамда 45 дона насос жорий таъмирлаб берилди. Таъкидлаш жоизки, асосий ишлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ўтган йили куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш доирасида корхона томонидан асосий ва ёрдамчи ускуналарни мукаммал ҳамда жорий таъмирлаш бўйича 9,67 млрд сўм маблағ йўналтирилган эди. Айни пайтда тайёргарлик жараёни давом этмоқда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45-46 (698-699) 2023 йил 6 июнь

# Правительство Республики Узбекистан

**получило кредит от Всемирного банка на реализацию проекта "Развитие сельской инфраструктуры" и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей по контракту на выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по следующим объектам:**

| № | Наименование объекта | Номер контракта | Стартовая стоимость работ (тыс. сум, без НДС) | Срок выполнения работ (календарных дней) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Капитальная реконструкция здания дошкольной образовательной организации №32 в МСГ "Тупсада" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-38 | 285 180 | 110 |
| 2. | Гравийное покрытие внутренних дорог (5,3 км) в МСГ "Киркчек" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-39 | 72 212 | 90 |
| 3. | Гравийное покрытие внутренних дорог (4,3 км) в МСГ "Хайитобод" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-40 | 148 873 | 110 |
| 4. | Гравийное покрытие внутренних дорог (3,7 км) в МСГ "Янги гулбог" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-41 | 117 019 | 110 |
| 5. | Гравийное покрытие внутренних дорог (5,4 км) в МСГ "Момохон" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-42 | 159 047 | 110 |
| 6. | Устройство асфальтобетонных и гравийных покрытий внутренних дорог (11,2 км) на участке МСГ "Уюрчи-Дамкул" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-43 | 121 143 | 110 |
| 7. | Устройство асфальтобетонных и гравийных покрытий внутренних дорог (4,3 км) на участке МСГ "Яккатол" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-44 | 96 555 | 90 |
| 8. | Строительство дополнительного здания на 120 мест для дошкольной образовательной организации №64 в МСГ "Резаксой" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-45 | 285 180 | 110 |
| 9. | Строительство дополнительного здания на 40 мест для дошкольной образовательной организации №56 в МСГ "Шоён" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-46 | 186 000 | 110 |
| 10. | Строительство дополнительного здания на 120 мест для дошкольной образовательной организации №67 в МСГ "Юкори" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-47 | 285 180 | 110 |
| 11. | Строительство спортивного зала 12х24 м для школы №53 в МСГ "Янгиер" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-48 | 157 000 | 110 |
| 12. | Строительство дополнительного учебного здания на 40 мест для школы №44 в МСГ "Кизилтепа" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-49 | 64 997 | 90 |
| 13. | Капитальный ремонт спортивного зала школы №12 в МСГ "Тинчлик" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-50 | 47 513 | 90 |
| 14. | Строительство систем питьевого водоснабжения (дополнительные работы) в МСГ "Шоён" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-51 | 126 000 | 90 |
| 15. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 4,3 км в МСГ "Говасой сохили" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-52 | 157 275 | 110 |
| 16. | Устройство асфальтобетонных (3,785 км) и гравийных (12,015 км) покрытий внутренних автомобильных дорог протяженностью 15,8 км на участке МСГ "Гузар" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-53 | 217 615 | 110 |
| 17. | Устройство асфальтобетонных (2,765 км) и гравийных (13,331 км) покрытий внутренних автомобильных дорог протяженностью 16,096 км на участке МСГ "Куча" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-54 | 190 922 | 110 |
| 18. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог (3,766 км) на участке МСГ "Варзигон" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-55 | 139 770 | 110 |
| 19. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог (4,060 км) на участке МСГ "Янгихаёт" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-56 | 149 901 | 110 |
| 20. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог (3,910 км) на участке МСГ "Коракапа" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-57 | 144 732 | 110 |
| 21. | Устройство асфальтобетонных (4,006 км) и гравийных (8,709 км) покрытий внутренних автомобильных дорог протяженностью 12,715 км на участке МСГ "Еттикурган" Чустского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-58 | 203 991 | 110 |
| 22. | Капитальный ремонт здания дошкольной образовательной организации №27 в МСГ "Бунёдкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-59 | 118 540 | 110 |
| 23. | Строительство дополнительного здания на 180 мест для школы №59 в МСГ "Имом-ота" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-60 | 192 299 | 110 |
| 24. | Строительство дополнительного здания на 180 мест для школы №3 в МСГ "Чоркесар" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-61 | 157 000 | 110 |
| 25. | Замена системы отопления школы №54 в МСГ "Навруз" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-62 | 35 000 | 60 |
| 26. | Строительство спортивных площадок для школ №16 и №51 в МСГ "Янгичек" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-63 | 73 125 | 90 |
| 27. | Капитальный ремонт здания спортивного зала общеобразовательной школы №18 в МСГ "Сохибкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-64 | 63 904 | 90 |
| 28. | Строительство СВП на 50 мест в МСГ "Маданият" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-65 | 203 226 | 110 |
| 29. | Капитальный ремонт здания СВП в МСГ "Кандигон" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-66 | 148 590 | 110 |
| 30. | Ремонт внутренних дорог 2 км в МСГ "Янгиобод" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-67 | 80 000 | 90 |
| 31. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 6,670 км в МСГ "Миришкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-68 | 223 835 | 110 |
| 32. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних автомобильных дорог 6,316 км в МСГ "Юксалиш" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-69 | 207 646 | 110 |
| 33. | Строительство дополнительного здания на 210 мест для школы №21 в МСГ "Арбагиш" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-70 | 208 690 | 110 |
| 34. | Капитальный ремонт здания спортивного зала 12х24 м для школы №30 в МСГ "Хазратишох" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-71 | 63 904 | 90 |
| 35. | Строительство дополнительного здания на 300 мест для школы №24 в МСГ "Ораарик" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-72 | 339 816 | 120 |
| 36. | Строительство площадки "Street workout" в СГМ "Созсой" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-73 | 70 500 | 90 |
| 37. | Гравийное покрытие внутренних дорог (1,1 км) в МСГ "Зангиобод" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-74 | 31 872 | 60 |
| 38. | Гравийное покрытие внутренних дорог (3,7 км) в МСГ "Корамурт" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-75 | 91 234 | 90 |
| 39. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (4 км) на участке МСГ "Октерак" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-76 | 181 702 | 110 |
| 40. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (6,2 км) на участке МСГ "Бозор боши" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-77 | 297 549 | 110 |
| 41. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (4,2 км) на участке МСГ "Узун куча" Чартакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-78 | 245 995 | 110 |
| 42. | Строительство дополнительного здания на 180 мест для школы №13 в МСГ "Урта" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-79 | 164 981 | 110 |
| 43. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (3,7 км) на участке МСГ "Янгиобод" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-80 | 136 962 | 110 |
| 44. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (2,6 км) на участке МСГ "Заркент" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-81 | 98 832 | 90 |
| 45. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (5 км) на участке МСГ "Хужашуркент" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-82 | 180 183 | 110 |
| 46. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (2,6 км) на участке МСГ "Говазон" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-83 | 93 077 | 90 |
| 47. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (2,7 км) на участке МСГ "Оксув Говазон" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-84 | 102 590 | 110 |
| 48. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (6,1 км) на участке МСГ "Курик" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-85 | 222 000 | 110 |
| 49. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (1,8 км) на участке МСГ "Поромон" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-86 | 69 000 | 90 |
| 50. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (3,6 км) на участке МСГ "Маданият" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-87 | 135 000 | 110 |
| 51. | Устройство асфальтобетонных покрытий внутренних дорог (3,4 км) на участке МСГ "Бирлик" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-88 | 130 000 | 110 |
| 52. | Улучшение электроснабжения (3,4 км) в МСГ "Найман" Мингбулакского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-89 | 73 800 | 90 |
| 53. | Строительство дошкольной образовательной организации на 50 мест в МСГ "Кушминор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-90 | 157 000 | 110 |
| 54. | Строительство моста (8 м) в МСГ "Имон ота" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-91 | 50 600 | 60 |
| 55. | Улучшение электроснабжения (16 км) в МСГ "Янгиобод" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-92 | 213 000 | 110 |
| 56. | Улучшение электроснабжения (16 км) в МСГ "Сохибкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-93 | 184 000 | 110 |
| 57. | Улучшение электроснабжения (6 км) в МСГ "Миришкор" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-94 | 44 800 | 60 |
| 58. | Улучшение электроснабжения (19 км) в МСГ "Янгичек" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-95 | 184 000 | 110 |
| 59. | Улучшение электроснабжения (15 км) в МСГ "Бог" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-96 | 160 800 | 110 |
| 60. | Улучшение электроснабжения (20 км) в МСГ "Бирлашган" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-97 | 117 300 | 110 |
| 61. | Улучшение электроснабжения (11 км) в МСГ "Навруз" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-98 | 126 000 | 110 |
| 62. | Улучшение электроснабжения (14 км) в МСГ "Тошкурган" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-99 | 189 800 | 110 |
| 63. | Улучшение электроснабжения (15 км) в МСГ имени Мукими Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-100 | 184 000 | 110 |
| 64. | Улучшение электроснабжения (15 км) в МСГ "Тепакурган" Папского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-101 | 97 000 | 90 |
| 65. | Строительство столовой для школы №19 в МСГ "Оксув-Говазон" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-102 | 87 400 | 90 |
| 66. | Капитальный ремонт школы №17 (крыша, фасад, замена стекол) в МСГ "Чунгбагиш" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-103 | 110 600 | 110 |
| 67. | Обеспечение питьевой водой (2,1 км) МСГ "Бирлик" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-104 | 93 400 | 90 |
| 68. | Обеспечение питьевой водой (2,5 км) МСГ "Октом" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-105 | 163 000 | 110 |
| 69. | Прокладка дополнительной сети к сетям питьевого водоснабжения (1,5 км) в МСГ "Оксув-Говазон" Янгикурганского района | MOEI-RIDP-NAM-CS-106 | 135 173 | 110 |

**ГУП "Служба заказчика в сфере капитального строительства" при Наманганском областном хокимияте** (далее именуемый "Заказчик")

приглашает проектные организации представить объединенные технические и финансовые предложения по предоставлению следующих консультационных услуг: выполнение проектно-изыскательских работ и разработку рабочего проекта под ключ по вышеуказанным объектам. Торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.

Заинтересованные правомочные проектные организации могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве по Наманганской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу.

Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Оплата для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов – в размере одной БРВ (базовая расчётная величина).

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 15 июня 2023 г. Запоздавшие предложения будут отклонены.

**Подача предложений:**

заявки должны быть представлены в форме, прилагаемой в тендерной документации;

цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.

**Адрес Консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по Наманганской области для подачи заявок:** г. Наманган, улица Н. Намангони, 18, 3-этаж.

**Тел.:** 99-974-54-55

**Адрес электронной почты:** tender-nam@mail.ru

**Ответственный представитель консалтингового центра:** Бахром Фазлидинов.

***Примечание:*** *данное объявление публикуется взамен ранее размещенного объявления ("O'zbekiston bunyodkori", №44, от 30 мая 2023 года).*

# Янги филиалдаги янги имкониятлар

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори томонидан тасдиқланган режага асосан, аҳоли, тадбиркорлар ҳамда кадастр хизмати ходимлари учун қулайлик яратиш мақсадида қурилган Наманган вилояти Чортоқ тумани кадастр бўлими ва филиалининг янги биносини тантанали очилиш маросими бўлди. Унда соҳанинг вилоят бошқармаси, шаҳар, туман филиаллари мутасаддилари ва маҳалла фаоллари иштирок этишди.**

Чортоқлик кадастрчилар барча қулайликлар эга бўлган замонавий бинода иш бошлади. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 200 миллион сўм бўлган мазкур икки қаватли маъмурий бино "Мусаффо Иншоот" МЧЖ бунёдкорлари томонидан барпо этилди.

– Авваллари ижарага жой олиб, ишлар эдик, – деди Кадастрлар палатаси Чортоқ тумани филиали раҳбари Мирзаолим Мамажонов. – Ҳам мижозлар, ҳам ходимларга қулай бўлган шароитда хизмат кўрсатиш, ишлашни ҳавас қилар эдик. Орзуимиз рўёбидан мамнунмиз. Бундан буён фаолиятимизда масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилиб, вазифамизни намунали бажариш йўлида бор билим ва малакамизни сафарбар қиламиз.

– Туман кадастрида бош мутахассис сифатида 23 йил меҳнат қилиб, пенсияга чиққанман, – деди фахрийлардан бири Носиржон Шарипов. – Ҳар бир хона ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозланганлиги алоҳида эътирофга сазовор. Яъни, бундай муҳитда кўрсатилаётган хизмат сифати ва иш унумдорлиги ҳам юқори бўлиши ҳамда самарадорликнинг ортишига шубҳа йўқ. Мос равишда кадрларнинг билими ҳам етарли эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Тантанали тадбирда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатаси раисининг биринчи ўринбосари Нозимжон Иномов ва Чортоқ тумани ҳокими Анваржон Отахўжаев сўзга чиқди. Қурувчилар, пудратчи ташкилот вакилларига эсдалик совғалари топширилди.

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Такрорий аукцион савдога Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг 2023 йил 29 майдаги 30/4/1-6910-сонли буюртманомасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон вилоятларида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такрорий очиқ аукцион савдоларига қўйилмоқда:**

1. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида сақланаётган 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами рақамсиз, шасси (кузов) рақамсиз, двигатель 11136100, техник носоз ҳолатдаги “ГАЗ-66” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 12 919 000 сўм.

2. Сурхондарё вилояти, Шеробод туманида сақланаётган 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами рақамсиз, шасси (кузов) 21429, двигатель 696973, техник носоз ҳолатдаги “МАЗ-5551” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 14 252 000 сўм.

3. Фарғона вилояти, Қўқон шаҳрида сақланаётган 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами рақамсиз, шасси (кузов) 003206, двигатель 151785, техник носоз ҳолатдаги “ВТ-150” русумдаги автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси** – 21 260 000 сўм.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида сақланаётган 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами рақамсиз, шасси (кузов) 2714488, двигатель 860537, техник носоз “ЗИЛ-130 АК” русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 21 960 000 сўм.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳрида сақланаётган 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами рақамсиз, шасси (кузов) 0098918, двигатель 029943, техник носоз “КРАЗ-255В EOV” русумл автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 26 292 000 сўм.

**Аукцион савдо 2023 йил 7 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2023 йил 6 июль куни соат 16.00 гача қабул қилинади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2023 йил 7 июль куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2023 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 6005 7145 2006 ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.

# “Шаҳрисабз пахта тозалаш” АЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 20 июнь куни соат 10.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уйда жойлашган “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9.00 да бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.shahrisabzpaxta.uz

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторининг 2022 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамиятининг ўтган йиллардаги тақсимланмасдан қолган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатининг узайтирилишини кўриб чиқиш.
8. 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият ижроия органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
12. “Қарши пахта саноат транс” МЧЖ банкротлик эълон қилиниб, тугатилгани сабабли жамият томонидан киритилган 370 000 минг сўм улушни ҳисобдан чиқариш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2023 йил 29 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2023 йил 14 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Шаҳрисабз пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уй.

**Тел.:** 97-382-07-20.

**E-mail:** shahrisabzpaxta@mail.ru

# “Нишон пахта тозалаш” АЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг 2022 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 23 июнь куни соат 15.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, “Ёшлар диёри” МФЙда жойлашган “Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 14.00 да бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www.nishonpaxta.uz

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторининг 2022 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмасдан қолган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш.
11. Жамият ижроия органи штат жадвалини тасдиқлаш.
12. Жамият томонидан йиллар мобайнида ижарага берилиб фойдаланиб келинганлиги натижасида бугунги кунда сақловда турган ишлатишга яроқсиз ҳолда келиб қолган уй палаткалари, брезентлар ва бошқа тез эскирувчи буюмларни ҳашарчилар уйлари ва пахта қабул қилиш масканлар ҳисобдорларини ҳисобдан чиқариш масаласини кўриб чиқиш.
13. “Nishan Chickens” МЧЖ ХКнинг 2023 йил 29 майдаги 23-сонли мурожаати бўйича Е-аукцион платформасида сотувда турган “Нишон пахта тозалаш” АЖга тегишли товуқхона биносини муддатли ва бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш бўйича қайтадан савдога чиқариш ва шартнома тузиш масаласини кўриб чиқиш.
14. Қашқадарё вилоят иқтисодий судининг 2023 йил 20 январдаги № 4-1801-2103/2630-сонли ажримига асосан банкрот деб топилган ва давлат рестридан чиқарилган “Қарши пахта саноат автотранс” МЧЖдаги “Қарши пахта саноаттранс” МЧЖнинг 210 855 712 сўмлик қайтарилмаган улушини ҳисобдан чиқариб, жамиятнинг 2023 йиллик молиявий фаолияти даврида жамият харажатларига олиб бориш масаласини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 18 мартдаги 230-сонли қарори ижроси ва жамият акциядорларининг 2020 йил 5 мартдаги 1-сонли умумий йиғилиши қарорининг кун тартибидаги 23-сонли масаласи юзасидан жамиятнинг собиқ бош директори Б. У. Мейлиевнинг 2023 йил 22 майдаги мурожатини кўриб чиқиш.
16. Нишон тумани “Динарахон Даврон қизи” хусусий корхонасининг 2023 йил 29 майдаги 11-сонли мурожаати бўйича Е-аукцион платформасида сотувда турган “Нишон пахта тозалаш” АЖ балансида бўлган дала шийпонни 3 йилга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олиш бўйича мурожаат қилган. Шунинг учун Е-аукцион платформасида сотувда турган “Нишон пахта тозалаш” АЖ балансида бўлган дала шийпонни муддатли шартнома тузиб сотиш масаласини кўриб чиқиш.
17. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана** – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2023 йил 29 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш кун олдин) 2023 йил 19 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Нишон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, “Ёшлар диёри” МФЙ, “Нишон пахта тозалаш” АЖ.

**Тел.:** 99-416-28-63.

**Электрон почта:** info@nishonpaxta.uz

## УВАЖАЕМЫЕ АКЦИОНЕРЫ

# АО ИИ “Узвторцветмет”!

**Акционерное общество с участием иностранных инвестиций “Узбекский завод по заготовке и переработке лома, отходов цветных металлов”, расположенное по адресу:** г. Ташкент, Янгихаётский район, Южная промзона, сообщает повторно о проведении годового общего собрания акционеров, которое состоится 23 июня 2023 года в 12.00, с помощью сервиса электронного голосования http://evote.uz/, предназначенного для дистанционного проведения общих собраний акционеров посредством сети Интернет в режиме онлайн.

**Дата составления реестра акционеров для оповещения о проведении годового общего собрания акционеров** – 30 мая 2023 года.

**Дата составления реестра акционеров, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров** – 19 июня 2023 года.

### ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Утверждение отчета исполнительного органа о деятельности Общества по итогам 2022 года.
2. Утверждение годового отчета Общества по итогам 2022 года и утверждение бизнес-плана на 2023 год.
3. Рассмотрение отчета Наблюдательного совета по итогам деятельности за 2022 год.
4. Рассмотрение заключения ревизионной комиссии о финансово-хозяйственной деятельности Общества по итогам 2022 года.
5. Рассмотрение заключения внешней аудиторской организации по итогам деятельности Общества за 2022 год.
6. Избрание членов Наблюдательного совета Общества.
7. Избрание членов ревизионной комиссии Общества.
8. Распределение чистой прибыли и выплата дивидендов по итогам деятельности Общества за 2022 год и нераспределенной прибыли прошлых лет.
9. Рассмотрение вопроса оставления в распоряжении Общества дивидендов, не востребованных акционерами в течение трех лет.
10. Отбор внешней аудиторской организации на 2023 год и определение размера оплаты ее услуг.
11. Одобрение сделок, которые могут быть совершены до следующего годового общего собрания акционеров с аффилированными юридическими лицами Общества в процессе текущей хозяйственной деятельности общества.
12. Рассмотрение отчета о результатах оценки системы корпоративного управления и соблюдения рекомендаций Кодекса корпоративного управления за 2022 год.
13. Утверждение новой структуры исполнительного органа общества.
14. Рассмотрение вопроса о неприменении преимущественного права.
15. Принятие решения о дополнительном выпуске акций Общества.
16. Утверждение решения о дополнительном выпуске акций Общества.

С материалами годового общего собрания акционеров АО ИИ “Узвторцветмет”, можно ознакомиться на корпоративном веб-сайте www.uzvtorcvetmet.uz и в Обществе.

Регистрация акционеров для участия в годовом общем собрании акционеров и голосование по вопросам повестки дня проводится с момента получения электронного уведомления о включении его в вписок акционеров, имеющих право на участие в собрании с использованием сервиса электронного голосования через сеть Интернет по адресу http://evote.uz/.

**Окончание регистрации акционера и голосования по вопросам повестки дня** – 23 июня 2023 года в 11.00 ч.

**Телефон для справок:** 71-258-80-01.

**E-mail:** corp@uzvtorcvetmet.uz

С условиями участия в годовом общем собрании акционеров через сервис электронного голосования просим ознакомиться на сайте www.evote.uz.

**Наблюдательный совет**
**АО ИИ “Узвторцветмет”.**

# “Косон пахта тозалаш” АЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Косон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2023 йил 22 июнь соат 10.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўлида жойлашган “Косон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 9.00 бошланади.

**Жамиятнинг расмий веб-сайти:** www. kosonpaxta.uz

### УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2022 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторининг 2022 йил молия-хўжалик якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг эски йиллардан соф фойда қолдиғи ва 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият ижроия органи штат жадвалини тасдиқлаш.
12. Қашқадарё вилоят ҳокимининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига йўллаган 2023 йил 15 мартдаги 01-05/1165-сон мурожаати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 3 апрелдаги 03/08-2-18/1249-сон хатида берилган топшириқларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон қарорининг 9-бандига мувофиқ жамият томонидан **“Radiant Silk” МЧЖ** билан “**Гулбоғ пилла боқиш мажмуаси”** бино-иншоотлари бўйича расмийлаштирилган олди-сотди шартномаларини белгиланган тартибда бекор қилиш ва жамият балансига қабул қилиб олинган мулкларни баҳоланган нархда **“E-auksion”** электрон савдо платформаларига савдога чиқаришни кўриб чиқиш.
13. Жамият уставининг янги таҳририни тасдиқлаш.

**Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана –** умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2023 йил 31 май ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш куни олдин) 2023 йил 16 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Косон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

**Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:** Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўли.

**Тел.:** 75-592-11-68.

**Электрон почта:** koson-paxta@umail.uz

**“Косон пахта тозалаш” АЖ Кузатув кенгаши.**

# ОБЪЯВЛЕНИЕ!

**Общество с ограниченной ответственностью (ООО) “PRIME REAL ESTATE” (ИНН 300764687 ОКЭД 70220), расположенное по адресу:** Республика Узбекистан, город Ташкент, почтовый индекс 100015, Мирабадский район, ул. Авлиё ота, 9, уведомляет всех кредиторов об уменьшении размера уставного фонда и объявлении нового размера уставного фонда в сумме 3 587 315 250 сум.

**Требования кредиторов ООО “PRIME REAL ESTATE” могут быть заявлены в течение 30 дней с момента опубликования настоящего объявления по адресу:** Республика Узбекистан, город Ташкент, почтовый индекс 100015, Мирабадский район, ул. Авлиё ота, 9.

**Тел.:** 94-344-43-33. **Электронная почта:** info@prime.uz

**Администрация ООО “PRIME REAL ESTATE”.**

# ОБЪЯВЛЕНИЕ!

**Общество с ограниченной ответственностью “Silk Road Capital Holdings” (ОКЭД 73200 ИНН 206956003) , расположенное по адресу:** Республика Узбекистан, город Ташкент, почтовый индекс 100015, Мирабадский район, ул. Авлиё ота, 9, уведомляет всех кредиторов об уменьшении размера уставного фонда и объявлении нового размера уставного фонда в сумме 100 000 000 сум.

**Требования кредиторов ООО “Silk Road Capital Holdings” могут быть заявлены в течение 30 дней с момента опубликования настоящего объявления по адресу:** Республика Узбекистан, город Ташкент, почтовый индекс 100015, Мирабадский район, ул. Авлиё ота, 9.

**Телефон:** 94-344-43-33. **Электронная почта:** silkrch@mail.ru

**Администрация ООО “SILK ROAD CAPITAL HOLDINGS”.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№45-46 (698-699) 2023 йил 6 июнь

# Talabalar amaliyoti – xorijiy korxonada












**Rayhona XO‘JAYEVA,** “O‘zbekiston bunyodkori” muxbiri.

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Arxitektura-qurilish sohasida kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-416-sonli qaroriga muvofiq universitetni transformatsiya qilish va kompleks rivojlantirish bo‘yicha “Yo‘l xaritasi”da talabalarning amaliyot o‘tash imkoniyatlarini kengaytirish haqida bir qator vazifalar belgilangan. Xususan, talabalar uchun yetakchi tarmoq korxonalari va tashkilotlari hamda O‘zbekistonda faoliyat yuritayotgan xorijiy arxitektura va qurilish kompaniyalarida amaliyot o‘tash imkoniyatlarini yaratish hamda kengaytirish masalalari shular jumlasidandir.**

Mazkur qaror ijrosini ta’minlash maqsadida yaqinda “Qarshi Conch Cement” xorijiy korxonasiga Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish universiteti rahbariyati tashrifi tashkil etildi.

Tashrif davomida dastlab Xitoy korxonasiga qarashli “Qarshi Conch Cement” korxonasi rahbariyati bilan universitet prorektori Murodjon Xodjabekov, kafedra mudiri Baxtiyor Saidmurodov muzokaralar olib borishdi. Hozirgi kunda amaliyot o‘tash imkoniyatlari, yaratilgan shart-sharoitlarni o‘rganish, tashkilot tomonidan iqtidorli talabalarga istiqbolda o‘z ish o‘rinlarini topish, amaliyot davrida ularni mavsumiy ishlarga jalb qilgan holda mehnatga haq to‘lash, keyinchalik ishga qabul qilish imkoniyatini ko‘rib chiqish va yo‘lga qo‘yish kabi jarayonlar muhokama etildi.

– Ushbi bitiruv oldi amaliyoti talabalarning amaliyot o‘tash imkoniyatlarini kengaytirish, ularda amaliy va ishlab chiqarish ko‘nikmalarini shakllantirishda ish beruvchi tashkilotlarning ishtirokini oshirish maqsadida tashkil etildi, – dedi universitet prorektori Murodjon Xodjabekov. – Jumladan, talabalar amaliyoti tashkil etilgan tashkilotlar tomonidan iqtidorli talabalarga istiqbolda o‘z ish o‘rinlarini topishda ko‘maklashish maqsadida amaliyot davrida ularni mavsumiy ishlarga jalb qilgan holda, keyinchalik ishga qabul qilish imkoniyatini ko‘rib chiqish va yo‘lga qo‘yish belgilangan. Universitet talabalarining tegishli bakalavriat ta’lim yo‘nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo‘yicha amaliy mashg‘ulotlari hamda malaka amaliyotlari davlat organlari, davlat ulushiga ega bo‘lgan xo‘jalik yurituvchi subyektlar, yetakchi ilmiy-tadqiq‘ot muassasalarida o‘tkazilishining sababi ham aslida shu. Qolaversa, bu orqali haq to‘lanadigan stajirovka (amaliyot)larni tashkil etadigan korxona va tashkilotlar bilan shartnomalar tuzish, talabalarning arxitektura, qurilish, muhandislik, dizayn yo‘nalishlari bo‘yicha xalqaro kasbiy sertifikatlarni olishi ham yo‘lga qo‘yiladi.

Muzokaralardan so‘ng amaliyotni muvaffaqiyatli olib borgan talabalar hamda o‘qituvchilarga maxsus sertifikatlar topshirildi va talabalar bilan birgalikda amaliyot o‘tash joylari ko‘zdan kechirildi.

– Biz bir oy mobaynida ushbu yirik korxonaning Toshkent hamda Qarshi filiallarida amaliyot o‘tadik, – dedi SamDAQU bitiruvchisi Azimbek Mallayev. – Amaliyot davomida sement ishlab chiqarish texnologiyasining homashyodan tortib, tayyor mahsulot bo‘lib kelguniga qadar kechgan jarayonlarda ishtirok etdik. Qurilish materiallarining qanday ishlab chiqarilishining kichik bir jarayonida qatnashganimizdan xursandmiz. Tashkilotda yaratilgan shart-sharoitlar ham ko‘ngildagidek. Bundan tashqari, kelajakda ushbu korxonada shartnoma asosida ishda qolishni rejalashtirib turibman. Shu o‘rinda amaliyotni tashkil etgan universitet rahbariyati hamda kafedramizga o‘z minnatdorligimni bildiraman.

Ushbu xorijiy korxona yiliga 2 ming tonna yuqori sifatli markadagi sement ishlab chiqarish quvvatiga ega bo‘lib, hozirgi kunda bu yerda 420 nafardan ortiq malakali mutaxassis ish yuritmoqda. Korxona mutasaddilari bergan ma’lumotlarga qaraganda, 99 foiz ish maxsus avtomat texnikalarda olib boriladi. Shuning hisobiga zavod ekologik toza, atrof-muhitga zarar yetkazmaydi. Ishchilarga esa eng yuqori talablarga asoslangan mehnat sharoitlari yaratilgan.

# Дўппидаги суратларнинг ўз тарихи бор

**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Хизмат сафари жараёнида Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой мақбарасини бориб кўрдим. Тарихга қизиққаним боис, қадимий осори-атиқаларга эътиборим ўзгача.**



Шу сабабли мазкур ансамблни айланиб юрарканман, Амир Темур ҳайкали олдида бир муддат туриб қолдим. Соҳибқирон бобомизнинг: “Қудратимизни билмоқчи бўлганлар, биз қурган биноларга боқсин!” деган сўзлари Оқсарой бунёдкорлигида яққол кўзга ташланиб турарди. Шу онда ўйлантирган нарса бошқа бир ҳолат эди. Яъни, биз ривожландик, тараққий этдик, деб жуда кўп гапирамиз. Қурган биноларимиз эса, афсуски, баъзи табиий офат ёки зилзилага, биргина асрнинг инжиқликларига бардош беролмайди.

Буни қарангки, Темур бобомиз қурган бинолар эса асрларни асрларга боғлаб келмоқда. Назаримда узоқни ўйлаб иш кўрмай қуйганга ўхшаймиз. Шу хаёл билан Оқсаройдаги сотувчи опани учратдим. Чиройли миллий нақшинкор дўппилар эътиборимизни тортди. Улар орасидан бир жиҳатга қизиқдим: деярли барча дўппиларда чаён суратини кўриш мумкин эди. Нега шундайлигини сотувчидан сўрадим.

– Биласизми, эскидан қолган айрим ривоятларда чаён ва илон бойлик чақиради деган қараш бор, – деди Маърифат опа. – Биринчи сабаби шу бўлса, иккинчиси эса чаён турли бало-қазо ва назарлардан асрайди, деб қаралган. Бувимдан эшитишимча, дўппиларга туширилган чаён тасвири кўз тегишидан асраркан. Шунинг учун кўпчилик ёшларга оила бошлиқлари айнан шундай дўппи олиб беради.

Маърифат опанинг бу жавоби мени анча қизиқтириб қўйди. Кўзларидан кўп ўқигани, келаётган сайёҳларга қилаётган муомаласидан исмига мос инсонлиги сезилиб турарди. Суҳбатимиз яна тарихга боғланиб кетди. Маърифат опанинг айтишича, авлоди анча тагли-тугли экан, бобоси Бухоро хонига сартарошлик қилган бўлса, бувиси бекзоданинг қизи бўлиб, оналари асли ҳозирги Туркия давлати ҳудудидан олиб келинган, шу сабабли кўпчилик онахонни “турк момо” деб чақиришган экан. Суҳбатдошимизнинг ўзи бу ҳақда шундай ҳикоя қилди:

– Шўролар бостириб келганда бувимни сафарга ярамайди, қайтиб келиб олиб кетамиз, деб ташлаб кетишган экан. Шу-шу бувим отбоқар хизматкорлари қўлида қолганлар. Хонга сартарошлик қилган бобом билан оила қурган. Бобомни тилла камарли сартарош, деб чақиришган. Авлодимизда қайсарлик ва бўйсунмаслик бор, бу жиҳатдан бекзода бувимга тортганмиз деб ўйлайман. Болам, тарихимизни бировга айтмайман. Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ. Лекин ҳақиқат шу. Биз бобомиз Темур қурган Оқсаройдан йўлимизни, нонимизни топдик.

Суҳбат қизигандан қизиб борди, оддийгина кўринган Маърифат опанинг залворли шажараси ҳар қандай кишини қизиқтириши табиий.

– Шу икки метрлик стол туфайли нечталаб қозон қайнайди, – деди қаҳрамонимиз. – Мен кўп жойларда ишладим, топганим ўзимга етади. Одамларга нафим тегаётганидан хурсандман.

Муҳими, қадим Кешдан чиқаётган чаёнлар, йўғе, миллий дўппилар дуёнинг турли мамлакатларидан келаётган сайёҳларга маъқул келмоқда.

# Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

## Июнь ойининг илк кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Азиз Ботиров,** раҳбар котибаси **Феруза Бердиева,** “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК етакчи мутахассис **Азизбек Убайдуллаев,** ҳайдовчи **Мирҳайдар Каримов,**

“Ташгипрогор” АЖ Сув таъминоти ва канализация сектори раҳбари, бош мутахассиси **Татьяна Маминова,** Электр таъминоти секторининг 1-тоифали муҳандиси **Бахтиёр Рахимов,** 1-тоифали техник **Бахтиёр Султанов,**

Бухоро вилояти, Олот тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Зоҳиджон Каххаров,**

Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жамол Қулдашев,** Янгиобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Комилжон Маматқулов,** Жиззах вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси кадрлар бўйича етакчи инспектори **Асқарали Акулов,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўлими бошлиғи **Азамат Уразымбетов,** Бўзатов тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Расул Шарапатдинов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Камалатдин Айтымбетов,**

Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Фарруҳ Халимов,** Самарқанд тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Искандарбек Рашидов,**

Сирдарё вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бўлими бошлиғи **Юсуф Раҳмонов,**

Тошкент вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Сардор Абдувоситов,** Бекобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи – туман бош архитектори **Музаффар Абдуллаев,**

Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси етакчи мутахассиси **Музаффар Жалолиддинов,** бош мутахассис **Авазхон Мансурханов,** бўлим бошлиғи **Нодир Мирсагатов,**

Хоразм вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси қоровули **Илҳомбек Аллабергенов,**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги “Голд Роҳат Гули Рано” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Роҳат Ҳамидова,** Вобкент туманидаги “Nodirshox Builder” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Нодир Зайниддинов,**

Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги “Олмазор кафолат хизмати” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Офтобой Нишонова,**

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги “Пахтазор ишонч коммунал” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Жавлон Рахмонов,**

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳридаги “Samira-Jasmina-Gold” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Илҳом Бекмуродов,**

Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги “Олмалиқ таъмирлаш тиклаш бошқарув” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Эркин Мамадалиев,** Чирчиқ шаҳридаги “Мумтоз сервис Чирчиқ шаҳар” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Абдужалил Абдуллаев,** “Маҳалламиз гулласин” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Хушнидин Муҳитдинов,** Юқоричирчиқ тумани “Обод уй коммунал хизмати” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Хурсанд Уматов,**

Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридаги “Qo‘qon Ta’minot Boshqaruv Tashkiloti” МЧЖ бош директори **Козимжон Юнусалиев,** Сўх туманидаги “Сўх Обод Диёр Коммунал” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Хуррият Назарова,**

Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги “Қаландар Самандар ПБК” МЧЖ бош директори **Отажон Буронов,**

Тошкент шаҳар, Мирobод туманидаги “Sarakul Baraka” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Манзура Содиқова,** Мирзо Улуғбек туманидаги “Xalqga Xizmat Kommunall” МЧЖ бошқарув компанияси бош директори **Абдувоҳид Имамов,** Юнусобод туманидаги “Мадал сервисе ПБК” МЧЖ бош директори **Нормурод Мадалов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шерзод Ҳидоятов, Давронжон Адилов, Жалол Арашов, Козим Туляганов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.
**Телефонлар:**
71-234-47-18 (қабулхона),
71-234-47-19 (таҳририят),
71-234-47-20 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-637.
1732 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 4 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – А. Ўктамов.

**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 00.50.

1 2 3 4 5 6